Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 13 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 36 (6682)

«Туркистон — умумий уйимиз»

КИМНИНГ ИНШОСИ ЯХШИ?

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Хоразмлик халқ таълими ходимлари бир хайрли ишга қўл урдилар. Вилоят мактабларининг 9—11-синф ўқувчилари ўртасида «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида иншолар танловини ўтказа бошлади. Ҳозирча танловнинг икки босқичи: мактаб, ҳунар билим юртлари ва туман ҳамда шаҳар тури бўлиб ўтди. Танловнинг учинчи — вилоят босқичи ҳам якунланиш арафасида. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хоразмлик маорифчиларнинг бу эзгу ишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, республика миқёсида шу мавзуда иншолар танлови ўтказишни лозим топди. Вазирликнинг Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Гуландом Яҳёевна АЛИМОВА мухбиримизга шу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз И. А. Каримов ўртага ташлаган «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини ёшлар онгига сингдириш, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, маънавий қадриятларимизни ва миллий урф-одатларимизни тарғиб қилиш, болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва улар қалбида ўтмишимизга ҳурмат ҳамда келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш мақсадида республика миқёсида иншолар кўрик-танлови ўтказишни лозим топдик. Танловда 9—11-синф ўқувчилари қатнашишлари мумкин.

«Туркистон — умумий уйимиз» мавзусидаги иншолар танлови тўрт босқичда ўтказилади. I босқичда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида танловда қатнашувчи ўқувчилар ушбу мавзуда ижодий иншо ёзадилар. Иншоларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати таркиби белгиланади. Энг яхши деб топилган иншо (1 та иншо) танловнинг туман ва шаҳар турига, яъни II босқичга тавсия қилинади. I босқич 25 сентябрда якунланади. Ўз навбатида ҳар бир туман ва шаҳарда ҳам ҳакамлар ҳайъати тузилиб, II босқичга тавсия қилинган иншоларни кўрикдан ўтказадилар. Энг яхши деб топилган ижодий ишлар (ҳар бир туман ва шаҳардан 3 тадан иншо) вилоят ҳакамлар ҳайъатига тавсия қилинади. Танловнинг II босқичи 1 октябрда, III босқичи эса 5 октябрда якунланади. Ниҳоят, 15 октябрда «Туркистон — умумий уйимиз» мавзуидаги иншолар танловининг республика якуний IV босқичи бўлиб ўтади.

Танловдаги ҳар бир босқичда ижодий иншолари тавсия қилинган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳамда вилоят ХТБ услубчилари қатнашадилар. Шунингдек, ўқувчилар иншо мавзуини янада бойитиш мақсадида кўргазмалар ва альбомлар тайёрлаб, тавсия қилишлари ҳам мумкин. Иншо камида 8—10 бет бўлиши керак.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ғолибларни рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилайдилар. Вилоят халқ таълими бошқармалари , Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ғолибларни мукофотлаш учун маблағлар ажратилади.

Мамлакатимиздаги барча мактаблар ва ҳунар билим юртларида таълим олаётган ёшларни «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланган ижодий иншолар кўрик-танловида қатнашишга таклиф қиламиз.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ суҳбатлашди.

*

«Ўзбекистон халқ таълими аълочиси», олий тоифали ўқитувчи Зулҳайдар Жайнаров қарийб қирқ йилдирки, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги 13-ўрта мактабда толиби илмларга география фанидан сабоқ бериб келаяпти. У ҳар бир дарсни ўқувчилар қалбига қизиқарли ва жонли тарзда етказади. Шу боис, фидойи муаллим ҳақида оддий ўқитувчидан тортиб, мактаб раҳбарларигача фақат илиқ гапларни гапиришади.

Тасвирда: З. Жайнаров ўзи тайёрлаган кўргазмали қуроллардан дарс жараёнида фойдаланмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

*

«Маърифат» хабарлари

БОЛАЛАР «СЕВИНЧ»И

Булунгур шаҳридаги «Севинч» болалар боғчаси қошида ташкил этилган гимназия-боғча 60 нафар жажжи ўғил-қизни бағрига олиб, ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда 6—7 ёшли тарбияланувчилар, ўзбек ва рус гуруҳларида, ўрта мактабнинг 1-синфи учун мўлжалланган дастур асосида сабоқ ўрганмоқдалар. Шунингдек, уларга математика, инглиз тили фанлари ҳамда жисмоний тарбиядан чуқурлаштирилган машғулотлар ўтилмоқда.

Янги гимназия-боғчанинг бўлажак битириувчилари учун борар манзиллари ҳам аллақачон тайин қилиб қўйилган — яқин орадаги 23-ўрта мактабнинг гимназия синфи. Болалар севинчи узоққа чўзиладиган кўринади.

КЕЧКИ МАКТАБЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига кўра тўққиз йиллик таълим таянч таълим деб эълон қилинди. Шу муносабат билан кўплаб ўқувчилар таянч таълим гувоҳномасини олгач катта ҳаётга, меҳнат майдонига бурила бошладилар. Худди шундай ёшларнинг ўқишни давом эттиришлари учун кечки ёшлар мактабларига эҳтиёж кучайди. Буни тезда илғаган Шўрчи туман халқ таълими бўлими ҳам шу ердаги Гагарин номли кечки ишчи-ёшлар мактабининг имкониятларини кенгайтиришга эътиборни қаратди. Мактаб ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи сонига ўсди. Айни пайтда 20 та синфда 530 ишчи-ёш дарсни бошлаб юборди. Уларга 55 нафар мутахассис билим бермоқда. Илм олишнинг эрта-кечи йўқ экан.

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 34-болалар боғчасида шаҳар боғчалари услубчиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари бу ерда болаларнинг нутқини ўстириш, «Одобнома» дарсларини ўтиш ва турли спорт машғулотларини ўтказиш борасида эътиборга молик натижаларга эришаётганини таъкидладилар. Боғча тарбиячилари эса касбдошларига ўзларининг иш тажрибаларидан бажонидил ҳикоя қилиб беришди.

ФИДОЙИЛАР ҚАДРИ

Қашқадарё вилоят ҳокимининг қарорига кўра вилоятда «Халқ таълими фидойиси» нишони таъсис этилди. Нишондорлар эса... тез орада, халқ таълими ходимларининг байрами куни маълум бўлади ва улар ҳар ойда ойлик маошга қўшимча 10 фоиз ҳақ олиш имконига эга бўладилар.

МАКТАБНИНГ ЯНГИ НОМИ

Нарпай туманидаги 19-ўрта мактабда ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш олдидан мактабга, шу ерда таълим олиб, узоқ йиллар туман халқ таълими бўлимини бошқарган Холиқул Арзиқуловнинг номи берилди ва унинг бюсти очилди. Тантанада туман ҳокими Салоҳиддин Бобомуродов, туман халқ таълими бўлими мудири Жўрақул Холиқов ва бошқалар қатнашишди. Мактаб ўзининг собиқ ўқувчисини фахр билан ёдга олди.

КИТОБДА БОЛАЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

Бу хабаримиз болалар орзуси ҳамиша рўёб топгувчи эртаклар китоби ҳақида эмас. Китоб тумани ҳақида. Китоблик илмсевар ёшлар учун яна бир имконият эшиги очилди — тумандаги биринчи лицей-интернат янги ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда инглиз тили ва табиий фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган янги муассаса уч босқичда болаларга таълим-тарбия бермоқда.

ТЎЙГА, ҲА ТЎЙГА!

Мамлакатимиздаги отахон илм масканларидан бири Тошкент Давлат университети 75 ёшлик юбилейи муносабати билан, таъбир жоиз бўлса фарзандларини бағрида жамлашга аҳд қилди — биринчилардан бўлиб фалсафа факультети талабалар шаҳарчасига, университет қошига кўчиб ўтди. Дарвоқе, отахон маскан ўзининг етмиш беш ёшга тўлганлигини ҳам катта тўй қилиб, элга маълум қилишмоқчи. Тўй куни шаҳарчанинг барча дошқозонларида ош дамланади — марҳамат қилгайсиз!

ТошДУнинг 75 йиллигига бағишланган саҳифани 3-бетда ўқийсиз.

Ўз ва жамоатчи мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

Фикр

Санъат, мусиқа фақат кўнгил очиш учун хизмат қилибгина қолмай, қалбимизни ҳарорати ила иситади, жўшқин фикрий меҳнатга даъват этади, дўстлик ришталарини боғлайди.

Гап санъат ҳақида бораркан, айни пайтда айрим мактабларда ўтилаётган мусиқа дарслари ҳамон эскича эканини айтмоқ жоиз. Дарсликларнинг етишмаслиги, мусиқий дастурларнинг номукаммаллиги ҳам мусиқий тарбияга тўғаноқ бўлмоқда.

Яқинда туманимиздаги айрим мактабларда бўлиб, мусиқа фани мутахассисларининг дарсларини кузатдим. Афсуски, мусиқа ўқитувчиларининг эскича, ҳатто шўро даври матнлари асосида дарс

МАҲОРАТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

ўтиши, шунингдек, ўргатилаётган ашулаларнинг мазмунини ўқувчиларга тушунтириб бермаслиги мени лол қолдирди.

Маҳоратга кўп нарса боғлиқ. Менимча, мактабда мусиқа фанининг ўқитилиши шунчаки ижрочиликни ўргатиш бўлиб қолмай, у бола фикр тушунчаларини бойитади, ўй-хаёллари, образли фикрлаш кўникмаларини ўстиради, ижодкорлигини ривожлантиради.

Шунингдек, мусиқанинг тарбиявий аҳамияти бор — болаларнинг жўр бўлиб қўйлашлари бирбирини тинглай олишга, ҳамжиҳат бўлишга имкон яратади.

Биз мутахассислар мусиқа фани орқали болалар қалбида гул очаётган орзу-умидларни рўёбга чиқаришимиз, улар дунёқарашлари ва қобилиятларини юксалтиришда, руҳан тетик, маънан соғлом бўлишларини таъминлашда ижодкорлик, ташаббус ва тадбиркорликка хос йўл тутсак, фойдадан ҳоли бўлмасди...

Ойдин ЖЎРАЕВА, Қамаши туманидаги Бобур номли мактаб ўқитувчиси.

Халқ таълими ва ҳокимият

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Мардон ШАМСИЕВ, Навоий тумани ҳокими

Шарқ мутафаккирларидан бири Саъдий «Гулистон» асарида шундай ҳикоя қилади: «Бир донишманд фарзандларига шундай панду-насиҳат қиларди: «Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зероки, мол-дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдур. Чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади».

Бу ибратли ҳикматнинг бугунги кунда ҳам тарбиявий аҳамияти жуда катта. Мактабларимизда билим бериш билан бирга кўпгина ҳунар сирлари ҳам ўргатилмоқда. Билим ва ҳунар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Уларни айрича тушуниб ёки тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил Узбекистоннинг келажаги ҳар жиҳатдан ҳақиқий билим ва фидойи ҳунар эгаларига боғлиқ. Буни яхши англаб етган туманимиз маорифчилари ўз билим ва куч-ғайратларини асосан ёшларнинг таълим-тарбия олишларига, ҳунар ўрганишларига сарфлаяптилар.

Ҳозир туманда учта бошланғич, тўртта таянч ва 11 та ўрта мактабда ҳаммаси бўлиб, 17580 нафар ўқувчи бор. Уларга 1212 нафар ўқитувчи фан ва ҳунар сирларини қунт билан ўргатаяптилар. Бир қатор мактабларимизда гимназия синфлари очилган. Кичик корхоналар ташкил этилган. Айрим мактабларимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш мақсадида кичик чорвачилик фермалари очилиб, буғдой, пахта етиштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бу айни пайтда ёшларга турли ҳунар сирларини ўрганиш учун қўл келяпти.

Мустақиллик байрами кунлари туманимизда қатор қувончли воқеалар рўй берди. Тошкентдаги «Адолат» нашриётида Аҳтам Ҳотамов, Шуҳрат Ҳалиловнинг «Йиллар садоси» китоби чоп этилди. Китобда туманимиз маркази воҳанинг қадим шаҳри — Кармана тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, бу китобдан тарих ўқитувчилари ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланса арзийди. Шунингдек, байрам кунлари туманда ижтимоий таъминот бўлимининг янги биноси ишга туширилди. Бу билан барча соҳа нафақахўрлари каби кекса ўқитувчиларга ҳам катта қулайликлар яратилди. Энг қувончлиси, Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида барча қулайликларга эга бўлган 320 ўринли янги мактаб биноси ўқувчиларга топширилди. Бир қатор мактабларимизда янги бинолар қурилиши жадал давом этмоқда. Соғлом авлод тарбияси учун барча имкониятлар ишга солиниб, мактаблар ҳаётига кенг тадбиқ этилмоқда. Туманда лицей очишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу ўринда ҳукуматимиз томонидан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг тест синови усулида ўтказилаётгани ҳар томонлама яхши ва қулай бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. «Маърифат» газетаси тест синовлари саволларини эълон қилиб катта савоб ишни амалга оширди. Бу ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи, ҳам ота-оналар учун масъулиятни ошираяпти. Энди ўқишга кириш учун ҳар қандай қийғир йўллар изланмасдан фақат билим олишга жиддий эътибор бериляпти. Ўз-ўзидан ота-оналар ҳам, ўқувчилар ҳам иқтидорли ўқитувчилардан билим олишга интиляптилар. Бу жараёнда саёз ва ўртамиёна билим берадиган ўқитувчи ўз-ўзидан жамоадан ажралиб қолади. Масалан, шу йил биргина Бобур номидаги 14-ўрта мактабда (директор Дилмурод Холов) 10 нафар ўқувчи ўз билими билан тест синовларидан ўтиб, турли олий ўқув юртларига ўқишга кирдилар. Бундай ибратли мактаблар туманда анчагина. Ҳалима Ҳалилова, Навбаҳор Мустафоева, Даврон Ражабов, Саъдулла Бекназаров, Олим Облоқулов, Ғайбулла Нарзиев сингари истеъдодли ва фидойи ўқитувчиларнинг номларини туманимизда кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бундай ажойиб мураббийлар сафи йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Уларни ҳақли равишда миллат келажагининг посбонлари дейиш мумкин.

Яхши ишлар билан бирга ҳали туман халқ таълими борасида қилинадиган ва амалга оширадиган долзарб вазифалар жуда кўп, камчиликларимиз етарли. Бу ҳақда ўқитувчиларнинг яқинда бўлиб ўтган август кенгашида келишиб олдик. Шу боис янги ўқув йилини яхши ва эзгу ниятлар билан бошладик. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур». Ана шу эзгу вазифалардан келиб чиқиб, ҳокимият ҳамиша халқ таълимига жиддий эътибор бериб, қандай ёрдам зарур бўлса, ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиб келяпти.

Халқ таълими ва бозор иқтисодиёти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАКТАБИ

Кейинги йилларда кўпчилик Паст Дарғом туманидаги Норқобил Нормуродов номидаги 41-ўрта билим масканини «Ишлаб чиқариш мактаби», деб атай бошлади. Нега? Бу маскан бошқа илм даргоҳларидан нимаси билан фарқланади? Аввало икки оғиз шу хусусда тўхталмоқчимиз. Мактаб жамоаси «Узбекистон» деҳқон хўжалиги меҳнаткашларининг 732 нафар ўғил-қизларига давр талаби даражасида ҳаёт сабоғи беришяпти. Замон талабини олдиндан ҳис этган илм маскани муаллимлари ота-оналар, маҳалла аҳли ёрдамида дастлаб битта трактор-тележка харид қилди. Ўз уловига эга бўлишгач, жамғарилган маблағ ҳисобига ихчамгина оҳак пишириш цехи қуришди. Мазкур цех қуввати кун сайин ошиб, яқин келажакда йилига 130 — 150 тонна оҳак ишлаб чиқариш мўлжалланаяпти. Шу йилнинг ёзги таътил пайтида туман мактабларининг 30 фоизини оҳак билан таъминлаб, ўз ҳисоб рақамига 700 минг сўм нақд пул туширган тадбиркор муаллимлар изланишни давом эттиряпти.

Мактаб қошида ташкил этилган «Ёш мусаввир», «Санъат гунчалари», «Чеварлик», «Пойабзал таъмирлаш», «Сартарошлик» тўгаракларига қатнашаётган 300 нафар кичик ҳунармандлар ҳам ишлаб топаётган пул даромадларининг бир қисмини ўз эҳтиёжларига ишлатиб, қолганини мактаб ҳисоб рақамига ўтказаётирлар. Ундан ташқари, 20 нафар ўқитувчи, фарроплар шартнома асосида меҳнат қилаётган цехларда ҳар ойига 35—40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқиляпти.

Ишлаб топилган ортиқча маблағлар қайси мақсадга ва қандай соҳаларга сарф қилиняпти? Мактаб директори Собир Сатторовнинг режаси билан танишгач, ҳаммаси аниқ-равшан бўлди. Ишлаб топилган маблағларнинг бир қисми оилавий аҳволи ночор бўлган ўқитувчиларга, ўқувчиларга моддий ёрдам сифатида берилмоқда. Аълочи ўқувчилар, илғор ўқитувчилар стипендия ва қўшимча пул мукофоти билан рағбатлантирилаётир. Фан кабинетларига компьютерлар, ўқув кўргазма жиҳозлари харид қилиш, мактаб учун қўшимча синф-бинолар қурин каби ишлар ҳам ишлаб топилган қўшимча маблағ — даромад ҳисобидан бўлаяпти.

Бозор иқтисодиёти арафасидаги ўткинчи муаммо — тангликларни тадбиркорлик билан мардона енгаётган педагогик жамоа Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошида фаолият кўрсатаётган «Зарафшон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда 10, 11-синф ўқувчиларидан 15—20 нафарига қўшимча дарс ташкил этиб, уларни олий ўқув юртларига тайёрлаяпти. Галдаги вазифа: замонавий спорт зали қуриш, маиший хизмат турларини кўпайтириш, мактаб учун 10 гектар ер олиш, ўқитишни табақалаштириш, пуллик қўшимча дарслар ташкил этиш, тест синовларига тўлиқ ўтиш каби тадбирларни тезроқ амалга оширишдан иборат.

Ишлаб чиқариш мактабида қўшимча даромадларни янада кўпайтириш йўлида изланишлар олиб бориляпти. Л. Тошқувватова, Севара Норқобилова, Шафоат Донабоева, Гулчеҳра Раҳматова, Козим Султонов сингари ташаббускор, тадбиркор ўқитувчилар тажрибаси касбдошлари учун ўрганиш, маҳорат, малака ошириш мактаби бўлиб қолган.

«Тоққа чиққан чўққини кўзлар», дейди доно халқимиз. Ўз мактабини тумандаги ҳамкасблари орасида биринчилардан бўлиб, ишлаб чиқариш корхона-мактабига айлантириб, ҳур, озод, эркин, мустақил, ёш мамлакатларини моддий-иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаётган ижодкор жамоага улкан парвозу омадлар ҳамиша ёр бўлсин!

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ, Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 24-ўрта мактабнинг олий тоифали методист-ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Тақриз

ТАРБИЯ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Адабиётшунос олми С. Очилнинг «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» монографияси ҳозирги шароитда рўй бераётган тарбиявий жараёнлар ва тарбияшунослик истиқболининг ҳамда юртбошимиз И. А. Каримов асарларида кўтарилган муҳим иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тамойилларнинг инсон камолотидаги аҳамиятини очиб беришга бағишланади. Шу маънода муаллиф танлаган мавзу ўз моҳияти билан бугунги кунда катта аҳамиятга молик. Чунончи, муаллиф таъкидлагани каби, тарбияшунослик инсонни ғўдаклигидан то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни таҳлил ҳамда тадқиқ этувчи фан. У инсонни умр давомида хулқ-атворга, одоб-ахлоққа ўрганиб боришини ва иймон, эътиқод, инсофу диёнат каби ажойиб фазилатлар билан зийнатланиб боришини таъминлайди.

Дарҳақиқат Сафо Очил ўз асарида Ўзбекистонда давлатни бошқариш жараёнидаги барча саъй-ҳаракатларни илмий, педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиб, айниқса ёшлар тарбиясига тааллуқли томонларини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилади.

Монографияда И. А. Каримов асарларининг нафақат иқтисодий ва сиёсий томонлари, балки ҳозирги замон педагогика фанини ривожлантиришдаги роли ҳам асосли тарзда очиб берилганлиги биз учун қимматлидир. Чунки улар инсониятнинг янгича тафаккур оламини тадқиқ этишда, бир неча ўн йилликлар давомида устивор бўлиб келган маърифий-ахлоқий тамойилларни ислоҳ қилишда аосий йўлланма вазифасини ўтайди.

Сафо Очил халқ қалбида мустақилликка меҳр-муҳаббатни, ишончни ва меҳнатга бўлган янги муносабатни тарбияловчи қатор омилларни алоҳида алоҳида ажратиб беради. Бу омиллар миллий қадриятлар, урф-одатлар ва тарихий-маданий меросимизни қайта тиклаш, мамлакат аҳолисига ўзини англатиш, миллий ер ости ва ер усти бойликларини қадрлаш ва ашраш, халқ иззатини жойига қўйиш, танлаб олинган истиқлол ва тараққиёт йўлини ҳурмат қилиш ва унга қатъий амал қилиш, қишлоқ меҳнаткашларига эътиборни кучайтириш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий йўл билан тўла ҳимоя қилиш кабилардир.

Шунингдек муаллиф ўзининг илмий-педагогик изланишлари жараёнида педагогика фани назариясини бойитишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшиладиган қатор илмий ва услубий хулосаларини ҳам беради. Жумладан,

— Давлатни бошқариш ва ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш жараёнида аждодларимизнинг ўгитлари, тузуклари ва тажрибаларини илмий-танқидий, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, шу асосда туғилган асосли фикр ва мулоҳазаларни аҳоли ва ёшлар онгига сингдириш;

— Ўзбекистонда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш учун мусулмон дунёсининг муқаддас китоби ва ҳадисларидан, тасаввуф илмининг йирик намоёндалари асарларидан, халқ оғзаки ижодидан илмий-танқидий равишда кенг фойдаланиш;

— Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, аввал келажакка ишончни, шунингдек ҳалоллик, фидойиликни тарбиялаш ва шу каби эзгу мақсадларга эришиш малакаларини тарбия ва маърифий масалалар мустақил Ўзбкистоннинг ёшларини комилликка кўтаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хулоса қилиб айтадиган бўлса, муаллиф ҳозирги кунда жуда муҳим бўлган мавзуни кўтариб чиққан.

Қолаверса, Сафо Очил И. А. Каримовнинг республикани, давлатни, сиёсатни, иқтисодиётни бошқаришга оид фикрлар билдирган асарларини жамлаб, таҳлил қилиб, тарбиявий хулоса чиқариб бир мажмуа қилганки, бу педагогика фанида сезиларли иш бўлди.

Мазкур монография ёшларни катталарга ҳурмат, ватанга муҳаббат, маънавиятли қилиб тарбиялашда илмий-услубий қўлланма сифатида катта ёрдам беради, деб ишонамиз.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
педагогика фанлари доктори.
Малика ИНОМОВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ўқитувчига ёрдам

УЙҒУНЛИК

Яқин йилларгача мактабларда ўқув режалари бўйича математика фани ҳафтасига 6 соатдан ўқитилар эди, ҳозирги амалдаги дастурларда бу кўрсаткич 5 соатга туширилди ва алгебра фани ҳисобидан 1 соат камайтирилди. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бу узгартириш деярли яхши натижа бермади. Барча фанларнинг узаро уйғунлиги ҳамда фанлар интеграцияларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ва бу йил «Маърифат» ҳамда «Учитель Узбекистана» газеталарида эълон қилинган, 1995—2000 йилларга мўлжалланган асосий ўқув режада ўрта умумтаълим мактабларининг 5—10-синфларида математика фани ҳафтасига 5 соатдан, 11-синфда эса 4 соатдан қилиб белгиланган.

Ўқув режа, дастур, мавзуий режалаштириш ва дарсликларнинг уйғунлигини мувофиқлаштириш мақсадида Республика таълим илмий методика маркази томонидан ҳар йили методик тавсияномалар эълон қилиниб, керакли маслаҳатлар бериб борилади.

Ўтган ўқув йилида «Маърифат» газетасида асосий ўқув режага мос ҳолда, таянч мактабларининг 5, 6-синфлари учун математика дастури чоп этилган эди. Бу ҳақда ижобий фикр-мулоҳазалар олинди. Шу боис бу йил ҳам ундан фойдаланиш тавсия этилди.

1995/96 ўқув йилида 9 йиллик мактабларнинг 7-синфлари таянч ўқув режаси бўйича ўқитилади. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳридаги 196-, 185- мактабларнинг ва Наманган вилоятидаги бир неча лицей-мактабларнинг математика ўқитувчилари тажрибаларига суянган ҳолда, дарсликлар яратаётган муаллифлар билан маслаҳатлашиб, таянч мактабларининг 7-синфлари учун дастур ва мавзуий режалаштириш ишлаб чиқилди. Бу дастур ҳозирда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилаётган ва мактабларга етказиладиган Ш. А. Алимов, О. Ҳолмуҳамедов ва бошқаларнинг 7-синф учун «Алгебра» ўқув қўлланмаси ҳамда мактабларда қўлланиб келинаётган А. В. Погорелов муаллифлигидаги «Геометрия» дарсликларига мос келади. Мазкур дастур бўйича ўқув йили 33 ҳафта деб ҳисобланди ҳамда математика фанини ўқитиш йилнинг биринчи ярмида ҳафтасига 3 соатдан алгебра ва 2 соатдан геометрия, иккинчи ярим йилликда эса ҳафтасига 4 соатдан алгебра, 1 соатдан геометрия ўтишга мўлжаллаб тузилди. Унда ўқувчиларни алгебра фанининг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳамда буюк ва машҳур ватандошларимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Ал Хоразмий, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Жамшид ибн Масъуд ибн Махмуд Ғиёсиддин Ал Коший каби ўзбек математик олимларининг қўшган ҳиссалари билан таништириш ҳақида ўқитувчиларга керакли йўл-йўриқлар ҳам кўрсатилди.

Мазкур дастурга А. Авлоний номли ХТХМОМИдан ва Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 305-лицейнинг математика фани мутахассисларидан ижобий тақризлар олингач, РТИММ қошидаги математика фани бўйича илмий методик кенгашда муҳокама қилинди ва фойдаланиш учун тавсия этилди. Бу дастур барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларига қўпайтириб, мактабларга етказиш учун тарқатилди. Математика мураббийларини дастурдан йил давомида фойдаланганларидан сўнг, ўз фикр-мулоҳазаларини тажрибалари асосида бизга ёзиб юборишларини истаймиз.

Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,
Республика таълим илмий-методика марказининг бош методисти.

Ўлкамизни ўрганамиз

БИЗДА ШУНАҚА ГАПЛАР

Таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар боис география фанининг таркиби, мазмуни ва ўқитиш услублари ҳам ўзгармоқда. Дарс соатлари қўпайтирилди. Ўз муаллифларимиз томонидан қатор дарсликлар, шунингдек турли мавзудаги табиий, иқтисодий ва ёзувсиз хариталар чиқарилмоқда. Буларнинг барчаси бизнинг азалий орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқаётганлигидир. Аммо биз бу билан қаноатланиб қолишимиз асло мумкин эмас. Аксинча энди биз ўз ўлкамизни ўрганишни кенг кўламда олиб боришимиз лозим. Бунда бизга мактабда ташкил этиладиган ўлкашунослик тўгараклари жуда қўл келади. Маълумки, ўлкашунослик — ўз ўлкасини ўрганиш демакдир. Ўлкашунослик давлат, жамоат ва мактаб ўлкашунослигига бўлинади. Мен тўгаракни мактаб ўлкашунослиги асосида ташкил этган бўлсам-да, амалда давлат ва жамоат ўлкашунослиги билан мустаҳкам алоқада бўлиб турибмиз. Тўгарагимиз учун дастур тузишда маҳаллий шароитларимизни ва ички имкониятларимизни ҳисобга олганман. Дастурнинг энг муҳим ва зарур шарти қилиб ўқувчи ўзи тўғилиб, киндик қони тўмган, ўзи воя етаётган қишлоғини кенг кўламда урганиши белгиланган. Дастуримиз асосан икки қисмдан иборат. Биринчиси — назарий қисм бўлиб, ўқувчи бунда ўлкашунослик тўгарагининг моҳияти ва вазифалари билан бирга қишлоқ географиясини қуйидаги тартибда урганади: қишлоқнинг табиий-географик ўрни, майдони, чегаралари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, табиий ресурслари, рельефи, геологияси, фойдали қазилмалари, иқлими, ички сувлари, табиат зонаси, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қишлоқ экологияси, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳоказо.

Қишлоқ тарихи эса унинг топонимикасидан бошланиб, қишлоқ ташкил топган давридан то қишлоқда жамоа хўжаликлари тузилгунча бўлган даври, жамоа хўжаликлари тузилишидан II Жаҳон урушигача бўлган даври, урушдан кейинги ва ниҳоят мустақиллик даври бўлиб-бўлиб урганилади.

Қўшимча боблар қилиб қишлоқда ижроия қўмиталарнинг ташкил топиши, жамоа хўжалигининг ихтисоси, унинг агросаноат шахобчалари ва уларнинг қуввати, қишлоқнинг машҳур кишилари, ҳамда туман географияси киритилган.

Ўлкашунослик тўгарагимизнинг амалий машғулотлари асосини саёҳатлар ташкил этади. Маълумки, саёҳатлар ўқувчиларнинг назарий билимларини янада бойитади, дунёқарашини кенгайтиради, ўқувчиларда жонажон Ватанига, халқига муҳаббат, табиатни севиш, ундан завқланиш ҳис-туйғуларини шакллантиради. Бизнинг тўгарак аъзоларимиз ўтган ўқув йиллари давомида Тошкентнинг барча музейларида, Ботаника боғида, Республика радио уйида, Тошкент давлат дорилфунунининг география куллиётида, Республика об-ҳаво марказида, Республика болалар кутубхонасида, Тошкент туманидаги 22-мактабда бўлдилар. 1994 йил октябрь ойида эса Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Уттизсамбар қишлоғида ҳамда Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти Ашт туманидаги Булоқ қишлоғида ва Шайдон шаҳарчасида бўлдилар. Собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони Туйчи Эрйигитовнинг она юртида, у фронтда кўрсатган жасоратларини ҳамқишлоқларига саҳнада намойиш этишди. Ўзбек ва тожик тилларида қўшиқлар, рақслар ижро этишиб, узбек-тожик халқлари орасидаги дўстлик ришталарининг янада жипслашувига узларининг озгина бўлса ҳам ҳиссаларини қўшиб, мезбонлар меҳрини, олқишини қозониб қайтишди. Фарғона водийсига қилган саёҳатимизга Қибрай тумани ҳокими Акбарали Йўлчиев ҳомийлик қилди.

Бу йил эса Бўстонлиқ туманидаги хушҳаво Сойлиқ қишлоғига саёҳат қилдик. 11-мактабда дўстлик учрашуви ўтказиб, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган адабий-мусиқали дастуримизни намойиш этдик. Мактаб ёш ўлкашуносларимиз билан бир пиёла чой устида давра суҳбатлари ўтказдик. Шундан кейин Қиялисой бўйлаб табиат қўйнига саёҳат қилдик. Тўгарагимиз аъзолари бу саёҳатдан олам-олам завқу шавқ ва таассуротлар олиб қайтишди. Бизнинг бу саёҳатимизга 93-ПМК раҳбарияти ҳомийлик қилди. Биз ўз ҳомийларимиздан бизга кўрсатаётган ёрдам ва эътиборлари учун чексиз миннатдормиз.

Саёҳатларимиздан ташқари амалий машғулотларимизда тўпланган маълумотларимиз асосида қўргазмали қуроллар, тарқатма-дидактик материаллар, деворий рўзномалар, тест варақалари, тест плакатлар, амалий ишлар учун топшириқлар тайёрлаймиз. Машғулотларимиз мазмунини янада бойитиш мақсадида табиатга, экологияга, Ватанга, истиқлолга оид шеърлар, қўшиқлар ва рақслар ўрганилади. Шунинг учун ҳам тўгарак аъзоларимизнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Амалий машғулотларимизда тўгарак аъзолари, қишлоқ экологияси, агросаноат шохобчалари, қишлоқ аҳолиси, меҳнат заҳиралари, буюк аждодларимиз тарихи, аҳоли саломатлиги каби қатор мавзуларда рефератлар ёзишади. Энг яхши рефератларни ёқлаш учун ўқувчиларимиз вилоят ва республика иқтидорли ўқувчилар танловида қатнашмоқдалар. Масалан, тўгарак аъзоларидан Нигора Холматова, Шаҳноза Зиёева ва Дилором Мирғоипова вилоят танловида 1-, 2-ўринларни олишиб, Президентимиз Ислом Каримов совғасига мушарраф бўлдилар. Шаҳноза Тоғаева ва Хурсаной Ражаматова Республика иқтидорли ўқувчилар танловида ва анжуманларида қатнашиб юқори ўринларни эгалладилар. Пул ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Мактабимизда 2 марта ўлкашуносликка оид вилоят семинари бўлиб, семинар иштирокчилари ва тўгарак аъзоларимиз томонидан «Дўстлик боғи» яратилди ва бу боғ ҳозир гуркираб ўсмоқда. Қўплаб терак қаламчалари экилди. Бу билан тўгарагимиз қишлоқдаги экологик вазиятни бирмунча юмшатишга ўз ҳиссасини қўшди.

Хуллас, бизда шунақа гаплар. Биз ўзимиз амалга ошираётган ишлардан шундай хулосага келдикки, жонажон ўлкамизни, унинг табиатини, халқини (айниқса, аждодларимиз тарихини) ўрганиш ўқувчиларда Ватанини, халқини севиш, унга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш туйғусининг шакланишига қўмак берар экан. Демак, ўлкамизни ўрганиш ва ўргатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир...

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
Қибрай тумани, 16-мактаб «Ёш ўлкашунослар» тўгараги раҳбари, олий тоифали ўқитувчи.

Мактаблар ҳаётидан

ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАР МЕЪМОРИ

Мактаб ислоҳотининг муваффақияти, шубҳасиз, ўқитувчининг таълимга янгича ёндашувига, янгича фикрлашига, ижодий изланишига, ўқитишнинг самарали усулларини қўллай олишига боғлиқ. Урганч шаҳар Усмон Юсупов номидаги 2-ўрта мактабда жонкуяр мураббиси Гулпошша Эшчонова 24 йилдирки, ана шундай изланишга амал қилиб келаётир.

1994 ўқув йилининг июнь ойидан бошлаб «Алифбесиз ўқитиш» ташаббуси билан чиқиб, болалар боғчасида тарбияланган ва ойладан келган болалардан 30 нафарини 1-синфга қабул қилиб олган эди. Бу синфда 6 ёшли ва 7 ёшли болалар аралаш. 1994—95 ўқув йилида синфдаги 30 нафар ўқувчининг ҳаммаси яхши узлаштиришга эришди.

— Олти ёшлилар ўта қизиқувчан, синчков бўлишади, — дейди Гулпошша опа. — Уларнинг ёшига қараб муомала қилиш лозим. Уларга фақат билим беришгина эмас, балки оналик меҳри ҳам кўрсатиш зарур. Чунки 6 ёшлиларда ҳали ғўдаклик хусусияти мавжуд бўлади. Уларни овқатлантириш ва уст-бошини озода тутишда уй бекаси вазифасини ўташга тўғри келади.

Дарҳақиқат, моҳир педагог ҳар бир ўқувчи тарбияси билан алоҳида шуғулланади. Ҳар бир ёшнинг ўзига хос хусусиятларини, интилиши, қизиқишларини ўрганиб боради. Жаҳонгир музика чалиб қўшиқ айтишни ёқтирса, Комила рақсга тушишни севади. Сарварбек расм чизишга қизиқса, Баҳромбек спортга қизиқади. Бу ишга ота-оналар ҳам жалб қилинган.

Гулпошша опа ота-оналар билан суҳбат учун алоҳида дафтар очган. Ушбу дафтарда ўқувчининг кўпгина сифатлари — билими, машғулотларга тайёрланиб келиши, соғлиги, кийиниши, ўзини тутиши, унда рўй бераётган ўзгаришлар қайд этиб борилади.

Гулпошша опанинг оиласи ҳам ибратли. У киши олти нафар ўғилнинг волидаи меҳрибони. Тўрт нафар келини у кишини ўз оналаридек эъзозлашади. Ўғиллар ва келинларнинг деярли барчаси олий маълумотли. Бири ҳуқуқшунос, бири муаллим, бири мураббий,бири ҳамшира. Опанинг моҳир педагогликдан ташқари бахтли она, бахтиёр қайнона, пири бадавлат инсон эканлиги эл эъзозини қозонишга муҳим омил бўлди.

Ҳукуматимиз ҳам унинг хизматларини муносиб тақдирлаб келмоқда. 1991 йили Гулпошша опага олий тоифадаги ўқитувчи унвони берилди. Мана бир неча йилдирки, шаҳардаги бошланғич мактаб ўқитувчиларининг методик бирлашмасини бошқаради. Соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ўз эзгу тажрибаларини ёш тарбиячилар билан баҳам кўради.

Саодат БЕКЖОНОВА.

Суратда: Гулпошша Эшчонова математика машғулотини мулоқот усулида олиб бораяпти.

Сурат муаллифники.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИ

«Ғунча» болалар боғчаси Қамаши туманидаги йирик болалар маскани ҳисобланади. Боғчада шаҳар меҳнаткашларининг 180 нафар фарзандлари 10 та гуруҳда меҳр билан тарбияланмоқда.

— Оналарнинг фарзандларидан кўнгли тўқ бўлсагина, ишида унум бўлади, — дейди биз билан суҳбатда боғча мудираси Назира Ғозиева. — Боғчамизнинг М. Суюнова, О. Расулова, Г. Очилова, Б. Жўраева каби 25 нафар тарбиячилар, О. Қиличева, Ш. Назарова, Ж. Аллаева сингари энагалари ҳар куни кичкинтойлар атрофида парвона. Улар ҳар бир дақиқани қувноқ ва қизиқарли ўтказишлари учун бор билим ва маҳоратларини аяшмаётир.

Ҳар бир машғулотни қўргазмалилик асосида ўтиб, уларнинг нутқини ўстириш, она табиат билан таништиришга алоҳида эътибор беришаётир.

— Боғчада қандай тўгараклар ташкил этилган, болаларнинг ўзлаштириши қай аҳволда?

— Боғчамизда мусиқа раҳбари Х. Хайруллаева, ўйин ўргатувчи Э. Абдураҳмоновлар раҳбарлигида фольклор бадиий тўгараги ишлаб турибди. Бундан ташқари тарбиячи Гулнора Бақирова раҳбарлигида 2 та тайёрлов гуруҳи лотин тили тўгарагида қатнашиб, бемалол ёзиб, ўқийдиган бўлишган.

— Бозор иқтисодиёти шароитида тарбияланувчиларни етарли озиқ-овқат билан таъминлашда қийинчилик сезилаётгандир?

— Ҳа, албатта. Бироқ ложини топишга ҳаракат қиляпмиз. Рашид Наврўзов етакчилигидаги оталиқ ташкилоти жамоаси боғчамизга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. М. Ҳазратова, О. Умирова каби ошпазлар ҳар куни жажжиларни мазали ва ширин таомлар билан сийлашаётир.

Ҳа, боғчада кичкинтойларнинг ҳар бир кунни қизиқарли, кўнгилдагидек ўтказишлари учун шарт-шароитлар мавжуд. Оталиқ ташкилоти томонидан қуриб берилган сузиш бассейни, турли хил ўйингоҳлар — жажжилар ихтиёрида. Боғчада ҳар хил санага бағишлаб мароқли учрашувларнинг ўтказиб турилиши кичкинтойлар қалбида ёрқин из қолдирмоқда.

Боғча жамоаси бу йил ҳам 30 нафар кичкинтойларни оталиқ мактаби ҳисобланган Ғ. Ғулом номидаги билим даргоҳига кузатиб қўйишди. Боғча жамоасининг тинимсиз ва самарали меҳнати туфайли жажжи тарбияланувчилар қувноқ ва соғлом вояга етишмоқда.

Қ. ТОҒАЕВА.

СЎЗ СЕҲРИ, ЖОЗИБАСИ

Янги дарсликлар

Ҳар бир замонга хос бўлган асосий белгилари ўша замон ўқувчилари фойдаланган дарсликларда ҳам намоён бўлади. Республикамизда тозариш эпкини, мустақиллик шабадалари эса бошлаши билан ёш авлоднинг маънавиятини тўғри шакллантириш масаласи кўндаланг қўйилди ва, аёнки, жамиятнинг маънавиятини мактаб адабиёт дарсликларисиз шакллантириш мумкин эмас. Шу маънода мен, хизмат тақозосига кўра, яратилишига гувоҳ бўлган амалдаги адабиёт дарсликларининг фақат биттаси, умумтаълим мактабларининг 7-синфлари учун мўлжалланган «Узбек адабиёти» дарслик-мажмуи тўғрисида ўз кузатишларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Еттинчи синф дарслик-мажмуаси билан синчиклаб танишиб чиқиш ва айрим мавзуларни педагогик амалиётда синаб кўриш натижасида айтиш мумкинки, у янги давр нафасини узида акс эттирган, тарбияшунослик илмидаги илғор анъаналарга изчил амал қилган ҳолда яратилгандир.

Бир донишманд: «Алдамчи одамлардан алдоқчи китоблар хавфлироқдир», — деган экан. Мамнуният билан қайд этиш мумкинки, еттинчи синф дарслик-мажмуасида ҳар қандай ҳаётий ҳодиса ҳам, адабий ҳодиса ҳам ўз номи билан аталган. Менга дарслик-мажмуадаги энг маъқул келган жиҳат ўрганиш учун танланган асарларнинг бадиий жиҳатдан сара эканлиги ҳамда талқиннинг мутлақо ўзига хос тарзда амалга оширилганлиги бўлди. Ҳатто ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам зерикарлилиги ва мураккаблиги билан қийнаб келадиган назарий маълумотлар, адабий тушунчаларга дахлдор ахборотлар дарсликнинг умумий вужудига шу қадар сингишиб кетганки, уни ўзлаштириш ҳеч кимда малоллик туғдирмайди. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладигган ҳолат эмас, балки муаллифларнинг ўқувчи руҳиятидан атрофлича хабардорлигини, болаларнинг ички кечинмалари, ўй-фикрлари билан яқиндан танишлигини кўрсатувчи далилдир.

Дарслик муаллифлари ўрганишга тавсия этилган ва дарслик-мажмуага киритилган ҳар бир асар ҳақида ўзларининг ҳукму хулосаларини билдиришга уринмайдилар. Ўз кузатишларини айтиш зарур деб ҳисоблаган ўринларда ҳам фикрларини ҳукм тарзида, ягона тўғри хулоса тарзида баён этмайдилар. Чунки улар бадиий адабиёт кўнгил иши, кўнгилга эса буюриб бўлмайди, бир эстетик ҳодиса ҳақида турли-туман фикрлар билдирилиши мумкин ва лозим, деб ҳисоблайдилар.

Шу боис ўқувчиларнинг фикрларини уйғотишга, уларни баҳсга чорлашга кўпроқ эътибор қилишади. Бунинг учун улар дидактик ашёлардан оқилона фойдаланишган. Яъни дарсликда ҳар бир ўрганиладиган асар кўплаб савол ва топшириқлар билан таъминланган ва бу ашёларга мурожаат қилмай туриб, бадиий асарнинг эстетик қимматини аниқлаш мумкин эмас. Чунки асарлар ҳақида тузувчиларнинг хулосалари, аввал айтилганидек, бериб қўйилмаган. Бу ҳол ўқувчиларни фаолиятга ундайди. Улар мазкур дарслик қўмагида адабиёт машғулотларининг тингловчилари эмас, балки чинакам иштирокчиларига айланадилар. Ёхуд тарбияшунослик илмига хос атама билан атайдиган бўлсак, ўқувчи, тарбия ва таълим жараёнининг объектидан унинг субъектига, яъни ижрочисига айланади.

Биз шу вақтга қадар ўқиб келган дарсликларда бадиий асарларга ижтимоий ёндашув устиворлик қилар эди. Ўқитувчи учун, кўпинча, бадиий матннинг узидан кўра ундан келиб чиқадиган маъно, ижтимоий гоя муҳим эди. Адабиёт муаллими бутун кучини, ўқувчиларнинг бутун эътиборини ана шу ғоянинг ўзлаштириб олинишига қаратар эди ва сўнгги хулосани билган ўқувчи, одатда, асарни ўзлаштирган ҳисобланиб, ижобий баҳоланар эди. Бу ҳол ўқувчиларни бадиий асар ўқишдан бездирарди. Негаки, каттагина бир асарни ўқишдан мурод бир оғиз хулосани билиб олиш экан, асарни ўқимай туриб ҳам шу хулосани ўзлаштириш мумкин бўлар экан, бадиий матнни ўрганишга вақт сарфлашга не ҳожат, деган қараш пайдо бўлган ва мамлакатимиз ўқувчилари орасига жуда кенг ёйилган эди.

7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуасида эса бутун эътибор бадиий матнни ўзлаштиришга, сўзнинг сеҳрини, жозибасини, таъсир ва тасвир қудратини ҳис этишга қаратилган. Бадиий матнлар шундай танланган, ҳар бир асар юзасидан савол-топшириқлар шундай қўйилганки, ўқувчи бадиий матнни ўзлаштиришга беихтиёр интилади. Чунки бу матнлар унинг туйғуларига дахл қилади, болани лоқайдликдан чиқаради.

Мактаб амалиётида еттинчи синф ўқувчиларига ёш бола деб қараш одати борки, ўтиш даврини бошдан кечираётган ўсмир учун бу энг кечириб бўлмайдиган ҳол ҳисобланади. Ўсмирлар, айниқса, ун уч — ун беш ёшдаги йигит-қизлар ўзларини катта одамлар деб қарашларини исташади. Ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари замиридаги маънавий сабабларни жиддий қидиришади, ўзгаларнинг қусурларига нисбатан ғоят талабчанлик ила муносабатда бўлишади. Лекин, афсуски, ўзларига нисбатан бу нуқтаи назарда тура олмайдилар. Бу ёшда ўсиш худбинлиги кучлироқ бўлади. Шу боис ҳам ўтиш давридаги ўсмирга бола деб қараш, енгил юк ортиш, уни керакли миқдордаги маънавий билимлар юки билан таъмин этмаслик болаларни ахлоқий жиҳатдан танбаллаштиради, ўзларига мутлақо танқидий ёндошмайдиган, ўз ҳаракатларини бегона назар билан кузата олмайдиган қилиб қўяди. Шу маънода, менга дарслик-мажмуадаги ўрганишга тавсия этилган асарларнинг савияси баландлиги ҳам таҳлилнинг биз одатланиб қолган йўллардан мутлақо бошқача, янгича тамойилларга асосланиб қилинганлиги ҳам маъқул келди. Дарсликдаги ҳар бир асарга шундай муносабат ўрнатилганки, ўқувчи қаҳрамон туйғулари билан ўзининг сезгиларини, ҳиссиётларини чоғиштиришга ҳар қадамда мажбур бўлади. Улар қаҳрамонлар ҳақидаги ахборотларни тингламайдилар, балки уларнинг ҳолатини бевосита кечирадилар. Шу тариқа маънан бойиб борадилар. Узганинг ҳолатини ҳис қилиш, бировнинг ўйларинигина эмас, ҳисларини ҳам билиш киши камолотининг дастлабки босқичидирки, адабий таълимдан мурод ҳам, охир оқибатда, ўқувчиларни ўзгаларни тушунадиган қалб эгаси қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Мазкур дарслик билан яқиндан танишганим сари тўғри талқин ижодкорнинг қиёфасини жуда ғўзаллаштириб, нозиклаштириб юбориши мумкин эканига имон келтирдим. Биз Зулфия ижодининг анчадан буён ўрганилиб келинаётганлигига гувоҳмиз ва шоиранинг ишлаб чиқариш қаҳрамонларини, меҳнат илғорларини мадҳ этувчи сифатида билишга одатланиб қолган эдик. Еттинчи синф дарслик-мажмуаси Зулфия ижоди моҳияти ҳақида нафақат ўқувчиларнинг, балки адабиёт ўқитувчиларининг ҳам қарашларини мутлақо ўзгартириб юборади, деб бемалол айтиш мумкин. Биз ўйчан, дардчил, бошига тушган тоғдай фожиани ўнданда улкан сабр-бардош билан енгмоқчи бўлган, айни вақтда, ғоят нозик, қалби нафис туйғуларга лиммо-лим аёл билан учрашамиз. Унинг фожиасидан хабардор бўлмаймиз, балки бу фожиаларни биргаликда кечирамиз. Шоиранинг дардлари, оҳу ноналари ўқувчиларникига айланиб кетади. Бунинг учун муаллифлар астойдил тер тўкишган. Улар дарсликка киритилган ҳар бир шеърни савол ва топшириқлар тизими билан шундай таъминлаганларки, уларни ечмоқчи бўлган киши беихтиёр шоиранинг туйғулари оламига кириб қолади. Айниқса, Зулфиянинг «Ойдинда» шеъри таҳлилида китобхон кўзи ўнгида шоиранинг мутлақо янги ижодий қирралари намоён бўлган. Муаллифлар шеърнинг ҳар бир сатри ўқувчилар томонидан алоҳида идрок этилиши ва ҳар бир бадиий образ замиридаги эстетик маънони кўра билишга тарбияланувчиларни одатлантиришга аҳамият берганлар. «Ой анҳорда қулун той, Гилосда шигил-шигил» мисраларига яширинган бадиий маъноларни топинг», «Шеърнинг иккинчи бандидаги «Эгилсам — тубдан тўлиб Ўзим чиқдим рўбару» мисраларидаги образли фикрни топинг», «Сел унутган кўлмаклар мисли ойнинг сингани» сатрларидаги образли ифодаларни изоҳланг», — қабилидаги бир қанча топшириқлар ўқувчиларни асар ичига олиб киради. Болалар бадиий матнни сиртдан кузатмайдилар, балки унинг ичига кириб, уша асар руҳи билан яшайдилар.

Дарслик-мажмуанинг яна бир жиҳати диққатга сазоворки, у бир хилликдан, қолипдан тамомила ҳоли. Дарсликка киритилган бир адабий сиймо тўғрисида тузувчилар маълумоти берилган бўлса, иккинчи ёзуви ҳақида замондош ижодкорларнинг ахборотлари, келтирилган, учинчи ижодкор эса ўзи ҳақида ўзи сўзлаб берган ва ҳоказо. Бу ҳолат дарсликнинг ўқимишлилигини оширган, зерикарли бир хилликдан қутқарган.

Тўғри, мазкур дарсликда ҳам камчиликлар мавжуд. Чунончи, ўрганиладиган адабий сиймолар миқдори кўпайиб кетгандай. Айниқса, ўрганилажак асарлар сони ғоят кўпга ўхшайди. Бунинг устига деярли ҳар бир ўрганилган шеърий асарни ёд олиш лозимлиги айтилганки, бу ҳолат ўқувчиларни қийнаб қўймасмикин деган истиҳола уйғотади. Китоб бир қатор имловий хатолар билан босилган. Лекин айтилган камчиликлар истиқлолнинг дастлабки дарсликларидан бўлган «Ўзбек адабиёти»нинг илмий- маърифий-эстетик, педагогик аҳамиятини йўққа чиқара олмайди. Агар муаллифлар мазкур дарслик-мажмуадан фойдаланишнинг методик қўлланмасини ҳам тез орада ишлаб берсалар, адабий таълим борасида катта ишни амалга оширган бўлардилар.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТИММ бош методисти,
197-мактаб ўқитувчиси.

ТЎЙ МУБОРАК, МУРАББИЙ ДАРГОҲ!

Университетлар ўз моҳиятига кўра ҳар бир миллатнинг маданий-маънавий тараққиётини акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади. Маълумки, муайян ижтимоий-иқтисодий босқичга ўтгач тарихий зарурат туфайли университетлар ҳар бир миллат тақдирида оддий эмас, балки ҳаётий эҳтиёжга айланади. Юртимиз ўтмишига назар солсак, оламга донг таратган қанчаданқанча мадраса, дорилфунунларимиз, забардаст олимлару фозилларимиз жаҳон фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшганлигининг гувоҳи бўламиз, дилимиз ғурурга тўлади.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг тўнгичи Тошкент давлат университети таъсис этилганига 75 йил тўлди.

ТошДУ фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам илк замонавий олий ўқув юртидир. У XIX аср охири, XX аср боши мустамлака Туркистондаги мураккаб ижтимоий-маданий ҳаракат самараси сифатида 1918 йилда Тошкентда «Туркистон халқ университети» (ректори А. В. Попов) ва унинг бўлими «Мусулмон халқ дорилфунуни» (ректори Мунавварқори Абдурашидхонов) юзага келди. Москвада 1918 йилда тузилиб, 1919 йилда шошқич иш олиб борган (ТуркГУ) ташкилий қўмитаси 1920 йилда бирлаштирилиб, ягона Туркистон давлат университетига айлантирилди. Унга сиёсатнинг тазйиқи билан талаба А. Ф. Сольқин ректор қилиб тайинланди. Янги ташкил топган университет илмий-педагогик кадрлар, ўқув ускуна ва жиҳозлари, зарур адабиётлар билан Москва томонидан таъминланди.

Университет ўтган 75 йил мобайнида САГУ (1923), ТошДУ (1960) номлари билан ғоят мураккаб, айни пайтда сермазмун ва шарафли йўлни босиб ўтди. Унинг багридан юз мингга яқин малакали мутахассис учирма бўлди. Миллатқамизда бугун ўз мустақилигига эришган беш қардош мамлакатларнинг ҳўжалиги ва маданиятини мутахассислар билан таъминлаб турган юздан ортиқ ўқув ва илмий муассасаларга бошманзиллик вазифасини ўтади. Жаҳон фани, техникаси шаклланиши ва тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. XX мўъжизаси — телевизор 1928 йили мана шу университет лабораторияларида кашф этилганлигидан, табиий ва гуманитар соҳаларда дунё тан олган илмий мактаблар шаклланганидан, ниҳоят, қардош республикалар маданий ҳаётида янги давр бошлаб берган истеъдод эгалари шу даргоҳда воя-га етганидан ҳақли суратда фахрланамиз.

1991 йил университет ҳаётида ҳам янги даврнинг бошланиши бўлди. Таълим-тарбия, илмий тадқиқот йўналишлари тубдан ўзгарди. Умуминсоний манфаатлар кўзда тутилган ҳолда, биринчи галда, миллий тарбия ва таълим, замонавий фан ривожи диққат марказига қўйилди. Давлат тили сифатида ўзбек тилининг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳуллас, ТошДУ миллий манфаат ва қадриятларни жаҳон миқёсида ҳимоя қиладиган мустақил Ўзбекистоннинг бош илмий-маърифат маркази сифатида ўз вазифасини адо этишга киришди.

ИЛМ БЕШИГИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиётида муҳим омил бўлган бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлат тизимини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, хорижий давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш сиёсатидан келиб чиқиб, Тошкент давлат университетида кўп босқичда мутахассислар (биринчи босқичда фан бакалаври, иккинчи босқичда фан магистри) тайёрлаш тартиблари, шу муносабат билан барча факультетларнинг ўқув режалари ишлаб чиқилди.

1993—1994 ўқув йилида ТошДУнинг 133 та кафедрасида 1500 га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шулардан 20 киши ЎзФА академиги ва мухбир аъзоси, 150 га яқин фан доктори ва профессорлар, 900 га яқин фан номзоди — доцентлар, 24 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, 20 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог, халқ таълими ходими, маданият ходимларидир. Шу ўқув йили бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ТошДУнинг «Юксак хизматлари учун» нишони билан тақдирланди.

1994 йил ТошДУнинг халқаро алоқалари янада самарали бўлди. ТошДУ олимлари жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртлари уюштирган халқаро анжуманларда маърузалар билан чиқиб, Ўзбекистон фанининг ютуқларини намойиш этдилар. Айни пайтда дунёнинг етакчи университетлари олимлари ТошДУ меҳмони бўлдилар ва кўп томонлама шартномалар тузилди.

Шундай қилиб, истиқлол даври (1991—1995 йиллар)да ТошДУ профессор-ўқитувчилари илм-фан ва таълим-тарбия ишлари билан жиддий шуғулланиб, мустақил Ўзбекистон гуллаб-яшнашига, фан ва маданият ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. «Ҳар бир касбнинг ўз соҳиби, ўз устаси бўлади, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ЎзФАнинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида. — Дунёда касб-ҳунар кўп, аммо ҳақиқий касб эгаси, ҳақиқий ҳунар соҳиби кам учрайди. Илму фанда ҳам ҳақиқий олим бўлиш учун кишига яратганнинг ўзи назар қилган бўлиши керак.

Юртимизда нодир истеъдодли олимлар кўпайиши лозим, аммо биз уларнинг сонига эмас, сифатига қараб баҳо берамиз. Замон эҳтиёжларини уларнинг олдига вазифа қилиб қўяр эканмиз, албатта, бугунги замонга муносиб шарт-шароитлар ҳам яратиб беришимиз зарур. Шундагина биз бошқа эл-элатлар орасида ажралиб турадиган буюк миллатга айлана оламиз».

Юртбошимизнинг дастурий бу сўзлари Тошкент давлат университети жамоасининг юрагини аллақачонлар забт этган. Хизматга шай, елкаларига масъулият юкини юклаган. Дорилфунун илмий-педагогика жамоаси бугун истиқлолни мустаҳкамлаш талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган, фан ва маданиятнинг халқаро андозаларига муносиб, айни пайтда юрт ва миллат учун фидойи мутахассислар билан таъминлаш йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаверади.

Тўхтамурод ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги,
ТошДУ ректори.

ЁШ ОЛИМНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда ТошДУ математика факультетининг ёш олими Насриддин Жабборов Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг фан-техника соҳасидаги мукофотининг совриндори бўлди. Шу муносабат билан Насриддин билан гурунглашдик.

— Аввалб мукофот билан қутлаймиз. Қандай илмий ишингиз учун мукофотландингиз?

— Қутлов учун раҳмат. Илмий ишнинг номланиши узунроқ, яъни «Модуляр шартлар ёрдамида аниқланган фазовий акслантиришлар синфи» дейилади.

— Айтишларича, ҳозир илм шу даража чуқурлашиб кетганки, уни халқ ҳўжалигига татбиқ қилиш жуда мушкул экан. Сизнинг илмий ишингизни ҳаётда қўллаш мумкинми?

— Фанда икки йўналиш бўлади. Назарий ва табиий. Биз яратган илмий иш назарийдир. Бунинг татбиқи механикада, гидродиномикада бўлади.

— Ҳозир кўпчилик илмни тарк этяпти. Ҳатто, олимларга «илмни қўй-да, савдога ўт» деб маслаҳат берувчилар кўпайган. Бу ҳақда фикрингиз.

— Ҳозирги илмга эътиборсизликни ўткинчи деб ўйлайман. Ахир савдо билангина яшаб бўлмайди-ку? Биз ривожланган давлат қуриш ниятида эканмиз, фан ва унинг татбиқисиз буни тасаввур қилиш қийин.

— Ўзингиздаги илмга бўлган меҳр қачон пайдо бўлган. Унинг сабабчилари кимлар деб ўйлайсиз?

— Туртки берган кишилар кўп. Устозларим ҳозирги кунда академик, Олий кенгаш депутати А. Саъдуллаевнинг ёш фан доктори бўлганлиги, у томондан ривожлантирилган мактаб, фан докторлари, профессорлар Г. Ҳудойберганов, А. Ворисовнинг берган ўгит ва сабоқлари илмга бўлган қизиқишимни орттирди. Аслида фанга бўлган меҳрни болалигимдан сингдиришган.

— Сизнингча, Ўзбекистонда илмнинг даражаси қандай?

— Илгари Россиянинг кўпгина илмгоҳлари илмнинг таянч нуқталари бўлган бўлса, бугун Марказий Осиёда асосий илмий марказ Ўзбекистон илмий марказ саналади. Бу марказни сақлаб қолиш учун эса ёшларнинг илм-фанга қизиқишини орттириш доимий вазифа бўлиб қолиши лозим. Шу ўринда Ёшлар қўмитасининг ишига эътиборини ҳам таъкидлагим келди.

— Илм борасида Осиё Оврупага нисбатан қандай даражада деб ўйлайсиз?

- Ўзимизнинг соҳам бўйича айтишим мумкинки, Ўзбекистон математика мактаби Оврупонинг ривожланган мамлакатлари билан рақобатлаша оладиган даражада. А. Саъдуллаев, Ш. Алимов, М. Салоҳиддинов, Т. Жўраев, Ш. Аюпов каби қатор олимларимизни хориж илми жуда яхши таниши фикримга далилдир.

Ҳ. САИДОВ
суҳбатлашди.

«ИСТЕЪДОДЛАР ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ...»

Таниқли математик олим Мирфозил Мирзаахмедовни ким ҳам билмайди дейсиз? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Америка математиклар жамиятининг аъзоси, бир қанча халқаро илмий анжуманлар қатнашчиси. У эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид етмишдан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Айни вақтда М. Мирзаахмедов ТошДУ қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номидаги лицейга ҳам директорлик қилмоқда.

— Мирфозил ака! Маълумки, сиз бошчилик қилаётган лицей республикамиздаги илк ва нуфузли лицейлардан ҳисобланади. Ана шу лицей фаолияти ҳақида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, лицейимиз 1970 йилда ҳукумат қарори билан, республика Ёш физик математиклар маткаб-интернати сифатида ташкил топди. Аввалига фақат физика ва математика чуқур ўргатилган бўлса, 1987 йилда химия ва 1990 йилда биологиядан ҳам синфлар очилди. 1990 йилда Тошкент давлат университети ихтиёрига ўтказилган Республика Ёш физик ва математиклар мактаб-интернати 1994 йилдан лицей мақомини олди. Ушандан буён ТошДУ қошидаги лицей мақоми билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Ҳозирги кунда лицейда ўқитиш ва тарбия ишлари қандай олиб борилмоқда, яъни лицейнинг бугунги ҳаёти ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан кейин маорифимизда кўплаб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Кейинги йилларда фанларни чуқур ўргатадиган синфлар, лицейларнинг ташкил этилиши бунга мисол бўла олади. Бизнинг лицейимизда ҳам 5 та йўналишдаги синфлар мавжуд, булар — математика-инглиз тили, математика-иқтисодиёт, физика-информатика, химия ва биология синфлари. Лицейда ҳозирги кунда 4 нафар профессор-ўқитувчи, 25 га яқин фан номзодлари болаларимизга сабоқ бериб келмоқда. Бу ерда республикамизнинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпоғистондан 450 га яқин ўғил-қиз таълим олмоқда. Вилоятлардан келган ўқувчиларимиз жой билан таъминланган. Ошхонамизда улар учун ҳар куни 4 маҳал овқат тайёрланади. Уларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун спорт зали ва кутубхона ишлаб турибди. Кўпгина тўгаракларимиз бор. Тарбиячи ва ўқитувчиларимиз деярли ҳар доим улар билан бирга.

— Ҳозирги кунда лицей ўқувчиларининг ўқишга бўлган қизиқишларини қандай баҳолайсиз?

— Лицейда таълим олаётган ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишлари жуда юқори десам хато қилмайман. Улар орасидан элимизнинг довруғини тараталиган олимлар етишиб чиқади, деган умиддаман. Мисол учун ўтган йилги республика фан олимпиадаларининг 5 нафар ғолиби — бизнинг шогирдларимиз. Бу йил уларнинг сафи янада кенгаяди, деб ўйлайман.

— Яқинда лицейнинг 25 йиллик тўйи нишонланар экан. Ана шу тўйга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Ҳа, ростдан ҳам бизда яқинда катта тўй. Жонажон университетимиз ташкил топганига 75 йил тўлиш арафасида лицейимиз ўзининг 25 йиллигини нишонлайди.

Анчадан буён тўйга ҳозирлик кўриб келмоқдамиз. Лицейни тугатган барча ўқувчиларни тантанага таклиф қиламиз. Ўзимиз ташкил этган лицей тарихини ўзидан мужассам этган музейни ҳам ана шу куни очиш тараддудидамиз.

— Лицейнинг келгусидаги режалари қандай?

— Режаларимиз кўп. Худо хоҳласа, кейинги йилларда математика, физика, химия, биология дарсларини инглизча ўқитишни йўлга қўймоқчимиз. Кейинчалик эса ўқувчиларимизни АҚШ, Англия, Турция каби давлатларга юбориб ўқитишни, ўз навбатида хориждаги тенгдошларини бу ерда ўқитишни мўлжаллаб турибмиз.

Фарҳод УСМОНОВ,
ТошДУ талабаси.

ТошДУ 75 ёшда



Талаба... Бугун у энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган дорилфунун аудиторияларида ўтириб, билимдон муаллимларидан сабоқ тингламоқда. Кўзларида ҳайрат, ҳаяжон жилолари. Эртанги куннинг тараққиёти уларга боғлиқ. Бу чуқур ҳақиқатни Тошкент давлат университети талабалари чин юрақдан ҳис этишади.

СУРАТДА: ТошДУ талабалари қизиқарли маъруза тинглашмоқда.

ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

ТошДУда илмий муҳитнинг яхшилигига ишончимизни мустаҳкамлаш учун аспирантура бўлимига ташриф буюрдик. Унда бизни 17 йилдан буён хизмат қилиб келаётган (буни ўзидан билдик) хушрўйгина жувон қарши олди. Бу даргоҳда илмий иш қилиб ёқлаган собиқ докторант ёки аспирантларнинг барчаси уни жуда яхши танишади — Салима Икромова.

— Докторантура ва аспирантурага қабулда ўсиш борми?

— Бор, албатта. Мустақил бўлгунимизча, масалан режа бўйича 1989 йилда докторантурага 9 жой ажратилган бўлса, ўтган йили 42 та жой берилди. Бу катта фарқ. Аспирантура ҳам худди шундай, яъни 1995 йили 137 киши қабул қилинди.

— Неча мутахассислик бўйича аспирант ва докторлар тайёрланяпти?

— Ҳозирги вақтда университетда 101 мутахассислик бўйича аспирантлар ва 20 та мутахассислик бўйича докторантлар тайёрланмоқда?

— Илмий ишлар ва билим олиш борасида университетнинг математиклари яхши натижаларга эришяптилар дейишади. Бу хусусда фикрингиз?

— Бу тўғри гап. Бир мисол келтираман, холос. 5 та Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясининг иккисини университетимиз олса, шу иккитадан бири математикларда.

Дарҳақиқат, ТошДУда илм улуғланади. Бу борада жуда кўп ишлар олиб бориляпти. Дейлик, диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашлар очилди. Улардан бири филология факультетида очилди. Бу кенгашда энди илгари Россиянинг марказидагина мавжуд бўлган журналистика соҳасида ҳам диссертация ёқлаш мумкин. Унда филология факультетидан Шуҳрат Ризаев «Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари» мавзусида, Улуғбек Султонов «Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари» мавзусида илк бор номзодлик ишини ёқладилар. Мутахассислар кенгашнинг ишини яхши деб топишди. Қисқаси, ТошДУ нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг, келажакда эса Осиёнинг ҳам илм маркази бўлиб қолишини истаймиз ва бу борада олимларимизга муваффақият тилаб қоламиз.

Ҳ. ОМОНХОН
суҳбатлашди.

КАМЁБ АДАБИЁТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА

Илму фаннинг илғор ютуқларига таяниш, улардан оқилона фойдаланиш — тараққиётнинг бош негизидир. Жаҳон тарихида фан ютуқларини мамлакат ривожига асос қилиб олган ва натижада қолоқ мамлакатлар даражасидан илғор мамлакатлар шоҳсупасига кўтарилган Япония, Корея, Сингапур, Малайзия каби давлатларни санаб ўтиш фикримизга далил бўла олади.

Буюк келажакка юз тутган мустақил Ўзбекистон Республикасидаги фан ва маърифат тўғрисида сўз борса, бош урғу шубҳасиз Тошкент давлат университетига берилади. Бу даргоҳ бутун Ўрта Осиёда илк бор ташкил топган бўлиб, фақат фан ва маърифат ўчоғи бўлибгина қолмай, Шарқда олий ўқув юртларини юзага келтирган манбадир. Университетнинг республика ва Ўрта Осиё тарихидагина эмас, жаҳон маърифати ҳамда маданияти тарихида тутган ўрнини шарҳлаш кўплаб алоҳида суҳбат ва тадқиқотга мавзу бўлади. Шу сабабли даргоҳнинг бош устунларидан бири бўлган механика-математика факультети хусусида тўхталмоқчиман.

Утмишдаги буюк мутафаккирлар — ал-Хоразмий, ал-Беруний, Улуғбек каби юртдошларимизнинг муносиб давомчилари шу факультетда шаклланадилар, десак муболаға бўлмайди. Бу ўринда Тошкентда «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика»га асос солган В. И. Романовский номини ҳурмат билан эслаш жоиздир. Кейинчалик, унинг шогирди, академик С. Ҳ. Сирожиддинов бу соҳада йирик мактаб яратиб, оламга танилди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда ўтган 1-Халқаро Бернулли Конгресси у муҳтарам инсон ҳақидаги хотиралардан биридир. Функционал анализ соҳасида илмий мактаб яратган ва ҳамон ёркин фаолият кўрсатиб келаётган академик Т. А. Саримсоқов номини алоҳида таъкидлаш лозим. Академиклар М. С. Салоҳиддинов ва Т. Ж. Жўраевлар яратган дифференциал тенгламаларга оид мактабнинг Ўзбекистон фани тараққиётидаги ўрни алоҳида эъзозлашга моликдир.

Ҳозирги пайтда факультетда ўнлаб фан докторлари ва кўплаб фан номзодлари илмий-педагогик фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Профессор-ўқитувчиларнинг турли мамлакатларда бўлиб ўтаётган нуфузли анжуманлардаги эътиборга молик илмий маърузалари ва халқаро илмий фаолиятлари Ўзбекистонда математиканинг дунё андозларига мос эканлигидан далолат бериб турибди.

Кейинги йилларда деярли барча вилоятларда давлат университетлари таъсис этилди. Шу университетларга етук кадрлар етказиб беришда, математикага оид факультетларни замон талаблари даражасига етказишда биз сўз юритаётган механика-математика факультети катта улуш қўшмоқда. Факультетда вилоят университетларидан келган профессор-ўқитувчилар малакаларини оширмоқдалар, керакли ўқув дастурларини ўрганмоқдалар, ЭҲМга оид дастгоҳларни баҳам кўрмоқдалар.

Замон талабларидан келиб чиқиб, факультетда ўқув системасига оид қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Ўқув жараёни турли поғоналарда олиб борилиб, ўқишни тугаллаган мутахассислар мос равишда бакалавр ёки магистр илмий унвонига эга бўлишлари мумкин. Шунингдек, камёб саналган зарурий адабиётлар бугунги кунда олимларимиз томонидан ўзбек тилида яратиляпти.

Математика ва механика соҳасида эришилган ютуқларни сақлаш ва уни янада ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага илк қадам қўяётган ёш авлодга боғлиқдир. Шу мақсадда, мактабни тугатаётган иқтидорли ёшларга мурожаат қилмоқчиман: Математика ҳар қачон, ҳамма ерда ва жамиятнинг турли формаларида доим муҳим бўлиб қолган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ТошДУ механика-математика факультети декани,
профессор.

БИЗ ҲАМ ЧЕТДА ЭМАСМИЗ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТошДУнинг 75 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори яна бир бор барчанинг эътиборини бу илм даргоҳига қаратди.

Қарорда «Таълим, фан тизимини ривожлантиришда, республика учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Тошкент Давлат университети катта ҳисса қўшгани», «ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётида, ёшлар тарбисида, мустақил Ўзбекистоннинг ақл-заковат имкониятлари шаклланишида университетнинг тутган ўрни катта аҳамият»га эгалиги алоҳида таъкидланади.

Биз бу даргоҳнинг касаба уюшмаси қўмитасида, жумладан, ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясида олиб борилаётган ишлар борасида ҳам сиз билан ўртоқлашгимиз келди. Зеро, ТошДУ ҳаётида касаба уюшмасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Давлатимизнинг мустақилликка эришуви жамият сиёсий тизимидаги барча ташкилот, муассасалар каби касаба уюшмаларининг ҳам масъулиятини кучайтирди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ўзгарди. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун касаба уюшмаларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларидаги ҳуқуқ ва кафолатларини аниқ белгилаб берди. ТошДУ касаба ташкилоти ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида юзага келган муаммоларни ҳал этишда маъмуриятга яқиндан кўмаклашмоқда.

ТошДУ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасида ҳар йили мунтазам равишда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ўқитувчи ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамоа шартномаси имзоланади. Бунда илмий текшириш лабораторияларида ишлаётган ходимларнинг меҳнат таътилига 6 кун қўшилиб, жами 30 кунлик таътил жорий қилинди. Иш жойларида назорат ўтказилиб зарарли кимёвий моддалар билан ишлаётган ходимларнинг иш ҳақига 12 фоиздан 20 фоизгача қўшимча иш ҳақи белгиланди. Яна бир далил ўқитувчи-ходимларнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасидаги ибратли ишлардир. «Юсуфхона» оромгоҳида дам олиш 4 босқичда олиб борилади, ҳар сафар 200 киши кўнгилли дам олиши мумкин. Ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасида диққатга сазовор ишимиз шундан иборатки, январь ойида ўқитувчи-ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, рағбатлантириш фонди ташкил этилди. Шу кунгача фонддан ўқитувчи-ходимлар ва талабаларга юз минг сумга яқин миқдорда моддий ёрдам ва пул мукофотлари берилди.

Ўтиш даври катта матонат,фидойиликни талаб этади. Ўқитувчиларнинг айрим мушкулотларини енгиллаштиришда имкон қадар ҳаракат қиляпмиз.

Бирор бир жойда дам олиш, соғлигини тиклаш маълум харажатларни талаб қилади. 189 нафар ўқитувчи-ходим йўлланма асосида республика санаторийларида ўз соғлиқларини тикладилар, 512 нафари эса дам олиш уйлари ва туристик базаларда бўлдилар. Бунда бу санаторийларнинг нархи ошиб бораётганини ҳамда уларнинг етарли миқдорда эмаслигини ҳисобга олиб шаҳар қўмитасининг ёрдамида ўтган йили Чорвоқда ўқитувчи-ходимларимиз ва талабаларимизга мўлжалланган янги базани очдик.

Университет қошида санаторий-профилакторий бир неча йиллардан буён ўқитувчи ва талабаларга хизмат кўрсатаяпти. Ўн йилдан буён бош шифокор бўлиб хизмат қилаётган Республикада хизмат кўрсаттан шифокор, А. С. Ботирбеков малакали мутахассисларга раҳнамолик қиляпти. Бунда даволанишнинг 45 тури мавжуд. Республиканинг йирик санаторийларида ҳам бундай даволаниш турлари ҳамиша мавжуд эмас. Асосийси, даволаниш учун йўлланмани ТошДУ ўқитувчи-ходимларига бепул қилиб қўйганмиз.

Ўқитувчи-ходимларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун навбатда турган 400 нафар ўқитувчининг 200 нафарига уй, дала ҳовли ажриб бердик. Якка тартибда уй қуриб олишлари учун 94 та ер майдони берилди. Хизматчиларимизга қулайликлар яратиш учун туман халқ таълими бўлими билан шартнома тузилиб, ҳар йили 30 га яқин фарзандларимизни боғчаларга жойлаштирадиган бўлдик.

Тўғри, ўзимизга яраша муаммоларимиз ҳам бор. Масалан, ёш ўқитувчи-ходимларимизни уйжой билан таъминлаш учун ички имкониятларимизни ишга соляпмиз. Талабалар шаҳарчасидаги ўқитувчилар уйида 80 нафар ёш мутахассисларга оилалари билан яшашлари учун жой ҳозирлаганмиз. Айни кунда шаҳарчада икки ётоқхона битиш арафасида. Талабаларимизга эса жой етарли. Шу муносабат билан Олий таълим вазирлигига бу ётоқхонани қайта таъмир этиб, ўқитувчи-ходимларга хонадон қилиб бериш таклифи билан мурожаат этдик. Бу масала ижобий ҳал этилса, анчагина ўқитувчи-ходимларимизни уй-жой билан таъминлардик. Қисқаси, малакали, ҳар томонлама етук олимлар етиштиришда уюшмамиз ҳам баҳоли қудрат ҳаракат қиляпти.

Алишер МЎМИНОВ,
ТошДУ касаба уюшмаси
кўмитасининг раиси.

Республика ўқувчилар саройи 60 ёшда

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ОШЁНИ

Куни кеча республикамиз фуқаролари мамлакатимиз мустақиллигининг 4 йиллик байрамини кенг нишонладилар. Байрамлар бир-бирига уланиб, ўғил-қизларимиз орзиқиб кутган Билимлар байрамини зўр қувонч билан қаршиладилар. Ҳадемай, мактабдан ташқари болалар муассасалари ҳам минглаб болаларни ўз бағрига олади. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий тангликка қарамай, ҳукуматимиз томонидан болаларнинг билим олишлари, ҳунар ва касб эгаллашлари учун катта имкониятлар яратиб берилди.

Мазкур ўқув йилида халқ таълими тизимидаги 567 та мактабдан ташқари муассасалар, жумладан, 266 та ўқувчилар уйлари ва саройлари, ёш ижодкорлар маркази, 136 та ёш техниклар, 138 та экология, 27 та ёш сайёҳлар маркази болаларнинг билим олишлари учун шай қилиб қўйилди. Қўшимча билим даргоҳлари бўлмиш бу масканларда болалар ва ўсмирларнинг маънавий ҳамда жисмоний ривожланишлари, ижодий қобилиятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда касб танлашларига кенг шароит яратилди. Шу кунларда ўқув йилини бошлаш бўсағасида турган мактабдан ташқари муассасалар ходимлари Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик бахш этади. Усиб келаётган ёш авлоднинг барча яхши фазилатлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати ўзлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади», — деган сўзларини эсга олишлари айни муддаодир.

Болалардаги қобилиятни аниқлаш ва ривожлантиришда мактабдан ташқари муассасалар етакчилик қилишлари лозим, чунки мазкур масканларда тарбиявий жараённи амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд. Тўгарак раҳбарларининг деярли барчаси тўгаракнинг собиқ аъзоларидир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, саройнинг дастлабки кунларидан бошланган устоз-шогирдлик, яъни устоз томонидан берилган сабоқнинг шогирд томонидан давом эттириш анъаналари муассасамизда кенг ўрин олган. Машҳур халқ усталари Маҳмуд Усмонов, Ҳаким ака Жалилов, Тўйчи Иноғомовлардан таҳсил олган қўпгина собиқ аъзолар бугунги кунда ўзлари ёш авлодга сабоқ бермоқдалар.

Ана шундай ишларни амалга оширишда жамоамиз республикадаги жамғармалар, ижодий уюшмалар, олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олий илмгоҳлари билан ҳамкорлик қилмоқда, 100 га яқин ёш истеъдод эгалари бугунги кунда Фанлар академиясининг сейсмология, кибернетика, химия-биология, астрономия каби қатор олий илмгоҳларининг олимлари, тадқиқотчилари шахсий ижодхоналарида таҳсил олиш билан бирга республика Улуғбек Жамғармаси томонидан ўтказиладиган кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Республикамиз вилоятлари ҳамда туманларида жумладан, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри, Қирғули, Олтиариқ туманлари ўқувчи-ёшлар ижод марказлари жамоаларининг олиб бораётган ибратли ишлари диққатга сазовордир. Қирғули туман ёш ижодкорлар маркази тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Корхоналар тўгараклари хом ашё билан таъминлаб турибди. Ушбу масканда ташкил этилган «Қўғирчоқ» театрини туманда бежиз «Кичик театр труппаси» деб аташмайди. Чунки театр жамоаси ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллалар, болалар боғчалари ҳамда мактабларга тез-тез тариф буюриб, ранг-баранг дастурини намойиш этишмоқда. Марказдаги «Макраме» тўгарагида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса махсус дўконларда сотилаётир. Тушган маблағ марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Когон шаҳар ўқувчилар саройи қошидаги бичиш-тикиш тўгараги аъзолари аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати билан ҳамкорлик қилишаётир. Комбинатдан хом ашё олиниб, болалар кийимлари тикилмоқда ва туман дўконларида сотилмоқда. Сураткашлик тўгараги аъзолари эса шаҳар аҳолисига хизмат қилишмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Термез шаҳар болалар ижод марказларида ҳам ибратли тадбирлар олиб борилмоқда.

Юқорида номлари қайд этилган масканларимиз билан бир қаторда камчиликлардан холи бўлмаган муассасаларимиз ҳам мавжуд. Жумладан, Пешку туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар маркази жойлашган бинонинг жиҳозланиши бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Тўгараклар болаларнинг қизиқиши, эҳтиёжи назарга олинган ҳолда ташкил этилмаганлиги сабабли уларга ўқувчилар жуда кам иштирок этадилар. Оталиқ ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, жамоат ташкилотлари билан узаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Зафаробод ўқувчилар уйида 12 та тўгарак ташкил этилган бўлса-да, ўқувчилар уйининг тайинли маскани, манзилгоҳи йўқ. Мактаблар қошида ўз ҳолича фаолият юритаётганлиги туфайли тўгаракларда болалар сони жуда кам. Бундай манзарани Тошлоқ тумани болалар ижод марказида ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунда экологияни урганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу боис бу мавзуни ўрганиш мақсадида ўқувчилар уйлари ва саройларида турли тўгараклар ташкил этилган. Тўгарак машғулотлари ҳамда оммавий тадбирлар жараёнида сувни тежаш, сув ҳавзаларини озода тутиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш зарурлиги улар онгига етказилаётир.

Шунингдек, болаларни ватанпарварлик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Юртимиз ватанпарварларини тарбиялашнинг воситалари кўп. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси ҳамда уларнинг моҳияти билан таништириш ёшларни ўз ўлкаси ўтмишини чуқур биладиган, ҳар бир миқол бойлиги учун жон қуйдирадиган, келажагини ўйлайдиган ватанпарвар қилиб тарбиялашда Ўзбекистон халқлари тарихини ўргатиш муҳим аҳамиятга молиқдир. Чунки, бу орқали биз уларни ўз қишлоғи, шаҳри, ўлкасини севадиган, эл-юртини қадрлайдиган инсонлар қилиб камолга етказамиз.

Жамиятимизда маънавий покланиш ва ахлоқий соғломланиш жараёни бораётган бир шароитда ўтмишни ўрганиш, унутилаётган бебаҳо қадриятларимизни тиклаш, ана шу тарихни яратган буюк шахслар ижодини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бугунги кунда мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсатаётган тўгарак раҳбарлари, методистлар бола тарбиясида аждодларимизнинг яратган таълим-тарбиянинг бетакрор шакл ва услубларини ҳаётда қўллаш ҳақидаги таълимотларига таянишлари лозим.

Олия ИБРОҲИМОВА,
Республика ўқувчилар саройи директори.

НАВБАТ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА!

Мана, I Марказий Осиё ўйинлари ҳам ниҳоясига етди. 8 сентябрь кечқурун «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ёпилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Бош вазири Абдуҳошим Муталов нутқ сўзлади. Байроқдорлар биринчи Марказий Осиё ўйинлари байроғини Ўзбекистон миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиевга топширдилар. У иккинчи Марказий Осиё ўйинларига қадар Ўзбекистонда сақланади. Ўйинларнинг навбатдаги ўтказиладиган жойи эса келгуси йил аниқланадиган бўлди. Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Антонио Самаранч бу ўйинларнинг Қозоғистонда ўтказилишини тавсия қилибди. Буни Қозоғистон миллий Олимпия қўмитаси президенти матбуот конференциясида баён этди.

Шунингдек, Самаранчга «Олимпия ўйинларини ўтказиш учун Ўзбекистон қандай ишларни амалга ошириши лозим» деб савол берганимизда у: «Аввало мазкур Марказий Осиё ўйинлари, сўнг Осиё ўйинлари ҳам мамлакатингизда юқори савияда ўтказилгач, навбат Халқаро Олимпия ўйинларига етиб келади», — дея жавоб берганди.

Меҳмонлар, ҳакамларнинг фикрича, Ўзбекистондаги бу спорт байрами — I Марказий Осиё ўйинлари юқори савияда ўтди. Насиб бўлса эндиги навбат — Осиё ўйинларига!

Қуйида спортчиларнинг эришган натижаларини илова қиляпмиз.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Спортнинг бу тури бўйича ҳамюртларимиздан Светлана Филимонова (рапира), Рамил Бахтиев (шамшир) олтин медални қўлга киритдилар. Терма жамоа шарафини Светлана Филимонова — Гулнора Зокирова — Елена Павличенколар ҳимоя қилиб, улар ҳам олтин медалга сазовор бўлишди.

ТЕННИС

Узбекистонлик теннисчилар ҳамма турлари бўйича олтин медаль соҳиби бўлишди. Якка баҳсда Вадим Куценко, жуфтликда Вадим Куценко — Дмитрий Томашевич, аралаш жуфтликда Наталья Синицина — Вадим Куценко ғолиб топилдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

100 метрга югуриш бўйича Анвар Қучмуродов, 400 метрга югуришда эса Алексей Файзулов, баландликка сакраш бўйича Светлана Мунькова, узунликка сакраш бўйича эса Константин Сарнацкий, лаппак улоқтиришда Роман Полторацкий (эркаклар), Елена Радченко (аёллар), найза улоқтиришда Евгения Бургиман (аёллар), Виктор Зайцев (эркаклар) олтин медалга сазовор бўлишди.

Хабаримиз сўнгтида Марказий Осиё давлатлари спортчиларининг, айниқса, Қозоғистон спортчиларининг фаол қатнашганликларини таъкидлаш жоиз. Тожикистондаги аҳволнинг бир оз оғирлигига қарамасдан, уларнинг ўйинларда иштирок этганликлари ҳам хурсандчилик билан қабул қилинди.

Хулоса, «Туркистон умумий уйимиз» шиори остида дўстлик, ҳамжиҳатликда ўтган бу спорт байрами ўз вазифасини ўтади.

Ҳ. САИДОВ.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Илгари хабар қилганимиздек, республика халқ таълими тизимига қарашли «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти ва республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби вакиллари Биринчи Марказий Осиё ўйинларида муросасиз мусобақаларга катта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

— Бир ҳафта давомида спортчиларимиз 43 та медал соҳиби бўлишди, — деб ҳикоя қилади Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудири Раҳматилла Саломов. — 4 сентябрда ўтказилган юнон-рум курашида 130 кг вазндаги Шермуҳаммад Қўзиев қирғизистонлик Эмил Шаманқулов устидан ғалаба қозониб, олтин медал соҳиби бўлди. Эркин курашда ҳам 48 кг вазнда гиламга тушган Шерзод Йўлдошев чемпионликни қўлга киритди.

Юнон-рум курашида икки спортчимиз кумуш, бир вакилимиз бронза медали соҳиби бўлди, эркин курашда иккита кумуш медал қўлга киритилди.

«Алпомиш» саройида бўлиб ўтган бокс мусобақаларида ҳам спортчиларимиз ғалабага ишонч, ирода кучини кўрсатишди. Республикамизнинг 12 боксчиси 7 та олтин, 4 та кумуш, битта бронза медали билан тақдирланди. Шундан иккита олтин, учта кумуш медални вакилларимиз олишди.

Сузиш мусобақаларида қатнашган қизлар командаси 11 та медал эгаси бўлишди. Шундан 3 таси олтин медаллардир. Айниқса, Шаҳло Султонованинг 100 м га брасс усулида чемпион бўлгани ва 4х100 метрга мураккаб эстафета ғолиби бўлганлиги ҳаммани қувонтирди. Надя Матвеева ҳам эстафетада олтин медал соҳиби бўлди. Шунингдек, у эркин усулда 4х100 м ли эстафетада кумуш, 50 ва 100 м га эркин усулда сузиш мусобақаларида иккита бронза медалини қўлга киритди.

Оғир атлетика мусобақаларида 54 кг вазнда самарқандлик Виктор Янский, 70 кг вазнда қорақалпоғистонлик Бахтиёр Нуруллаев Марказий Осиё ўйинлари чемпионлари бўлишди. Икки киши кумуш, икки спортчимиз бронза медали билан тақдирланишди.

«Пахтакор» стадионида ўтказилган енгил атлетика мусобақаларида 7 спортчимиз олтин медалларни қўлга киритишди.

Халқ таълими тизимидаги спортчиларнинг Биринчи Марказий Осиё ўйинларида эришган муваффақиятлари келгусидаги беллашувлар учун замин бўлиб хизмат қилади деб ишонамиз.

F. МИРЗАЕВ.

Бири кам дунё

УЧ ТАҚДИРДОШ ТИШ

Бошқирдистон аграр университети ўқитувчиси турли сабабларга кўра бир кунда биратўла уч тишидан маҳрум бўлди.

Энг аввало у тишининг қаттиқ оғриги сабаб дўхтирга учрашганди, тишини суғуриб олишди. Уч соатлар ўтар-ўтмас муаллим тишини суғурган ёш дўхтир ҳузурига оғриқдан яна шикоят қилиб қайтиб келди. Жарроҳ тушундики, ҳалигина оғриқ тишини эмас, ёнидаги соғ тишни олган экан. Хуллас, кеч пайт муаллим иккинчи тишидан ҳам айрилиб уйига қайтаётганда учинчи тишидан ҳам айрилди. Бу сафар йўлда безорилар учинчи тишнинг умрига зомин бўлишди. «Оламан» деса, бермасликнинг иложи йўқ экан чоғи.

ЁМОН ОДАТ ЮҚАДИ

ГФРда ҳомиладор аёл, ёш она ўғрилик қилса ёки корхона банкрот бўлса, ишдан бўшатилиши мумкин. Бироқ Лейпциг шаҳридаги пойабзал фабрикасининг бошлиғи ҳомиладор аёлларни таътилдан олдин чақириб олиб, «Ҳеч қандай расмиятчиликсиз» икки йиллик ишларини аввалдан «келишиб» олади. Бунинг учун ҳомиладор аёл «ўз хоҳишига кўра» ишдан бўшаб ариза ёзса, кифоя. Бундай аёллар қонунни билмаслик натижасида туққанларидан сўнг ишсиз қолиб кетишади.

Келндаги ижтимоий фанлар тадқиқоти институтининг 10 минг ёш она тақдирини урганиб чиқарган хулосасича, бу собиқ ГДРдаги «инсонпарвар» тузумдан қолган одат экан. Чунки Германия бирлашгач, бу долзарб муаммога айланибди.

АТОМНИНГ ЎН ОЛТИ ТУЁҚЛИ БОЛАСИ

Шарқий Қозоғистоннинг қишлоқлари чорваси орасида қўрқинчли ҳайвонлар кундан-кун кўпаймоқда. Маралди қишлоғида 6 ойда эчки болалади. «Эчкида қасам бўлмас», деган мақолни эслатмоқчимисиз? Биз уни назарда тутмаяпмиз. Балки эчки болалари оёғининг ҳар бирида тўрттадан туёқ борлиги учун бу гапларни таъкидлаяпмиз. Чердаяк қишлоғида эса буйни орқага қайрилган бузоқча туғилди.

Булар Олтой ўлкасидаги экологик ҳолатдан эканлигига олимларнинг шубҳаси йўқ. Дарвоқе, Семипалатинскдаги портлаш оқибатидаги заҳарларни шамол шу томонларга олиб бораркан.

Халқ таълими фидойилари



МЕҲР НУРИ

«Ҳурматли меҳрибон устозимиз Рихсилло ака, биз 10-синфни битирар эканмиз, илм берганингиз ва ҳаётда ўз йўлимизни тўғри топиб олишимизда йўл кўрсатганингиз учун ўз миннатдорчилигимизни сўз билан айтишга ожизмиз. Кўпдан-кўп раҳмат дея оламиз, холос...».

1967 йилнинг 24 май куни Тошкентдаги 179-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари туҳфа қилган альбомда битилган ушбу сўзларни ўқир эканмиз, тил-адабиёт ўқитувчиси Рихсилло Неъматуллаевнинг болалар меҳрини қозонгани гувоҳи бўлдик. Мана ўттиз йилдирки, у шу мактабда ўқитувчи, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, илмий бўлим мудири лавозимларида ишлаб келмоқда.

Рихсилло Неъматуллаев 1952 йилда қўлига етуклик аттестатини олиб, шу йили ўзи ўқиган 85-мактабда болалар йўлбошчиси сифатида иш бошлади. Айни шу пайтда Тошкент Ирригация институтининг сиртқи бўлимида 1954 йилгача ўқиди.

— Уша даврда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш бошлангани ёдингизда бўлса керак, — деб ҳикоя қилади Рихсилло ака. — Мен ҳам қўриққа отландим. Уч йил бўз ерлар чангини ютдим. Целиноградда шофёр, кейинчалик колонна бошлиғи бўлиб ишладим. Она юрт соғинчи, илк фаолиятимни бошлаган мактабда ишлаш иштиёқи устунлик қилди. Тошкентга қайтибоқ ҳужжатларимни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти филология факультети кечки бўлимига топширдим...

Рихсилло ака 1957 йили 128-мактабда яна ишни бошлади. Кўп ўтмай унга она тили ва адабиётдан ҳам дарс беришди.

Мазкур мактабда ишлаган саккиз йиллик меҳнат фаолияти унинг учун ўсиш, улғайиш ва маҳорат мактаби даври бўлди. Шу даврда (1962 йилда) у педагогика институтини имтиёзли диплом билан битирди. У мактаб ишининг устаси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, раҳматли Ҳасанжон Ғафуровдан кўп нарса ўрганганлигини ҳамма ерда таъкидлайди.

Иккинчи Чархкамолон маҳалласи жойлашган 128-мактабнинг собиқ ўқувчилари Рихсилло Неъматуллаев ташкил этган кўча ва маҳалла футбол командасининг довруғи ҳақида ҳалиҳали эслаб юришади. «Олтин чарм тўп» кўча, маҳалла командаси ҳақида ўша даврда «Ленин учқуни» газетаси саҳифаларида бир неча бор ҳикоя қилинган.

Ишчан ва ижодкор ўқитувчи ташаббуси билан қўғирчоқ театри ташкил этилиб, қизиқарли спектакллар ён атрофдаги болалар боғчаларида, 22-болалар уйида қайта-қайта намойиш этилган. 1959 йили республика қўғирчоқ театри мактабга «Оловуддин ва унинг сеҳрли лампаси» спектаклининг тўлиқ саҳна декорацияси, қўғирчоқлари, духоба саҳнаси билан мукофот тарақасида топширгани бежиз эмас.

Мактабда нафосат тарбияси беришда адабиётнинг аҳамияти ҳеч кимга сир эмас. Рихсилло ака мумтоз шеърият билан бирга замонавий адабиёт билимдони сифатида ҳурмат қозонган. Унинг мактабга атоқли адиб ва шоирларни таклиф этиб, ўқувчиларни ғўзаллик оламидан баҳраманд этишдаги хизматлари беқиёс. Унинг хотира альбомида Уйғун, Раҳмат Файзий сингари атоқли адиблар билан учрашув лавҳалари, қўғирчоқ театри ижодкорлари билан мулоқотлар акс этган.

Адабий конференциялар ва учрашувларда ўқувчи ва ота-оналар халқ ёзувчи ва шоирларидан Уткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Омон Матчон, Неъмат Аминов ва бошқа кўплаб ижодкорлар билан учрашувлардан бир олам завқ олишган.

Шеърият ва ижод мухлиси Рихсилло аканинг ўзи ҳам ижод қилиб туради. Жумладан, «Тошкент оқшоми» газетасининг 1979 йил 15 январь сонида берилган унинг тўртликларини ўқиб, нозик таъб ижодкорлигига тан берганмиз. Шунингдек, турли нашрларда эълон қилинган мақола, лавҳа ва хабарларини ҳам биламиз.

Рихсилло Неъматуллаев амалга ошираётган ишлар тўғрисида унинг ҳамкасбларидан илиқ сўзларни эшитиш мумкин:

— Рихсилло ҳам ўқитувчи, ҳам раҳбар сифатида чин маориф фидойисидир, — дейди мактабнинг математика ўқитувчиси, меҳнат фахрийси Қурбон Эргашев. — У ўқитувчилар меҳнатига холисона баҳо беради. Мен Рихсилло билан ўттиз йилдан буён бирга ишлайман. Унинг оддий мактаб қоровулидан тортиб ўқувчилар ва ота-оналарга бўлган муносабатларига ҳавас қилса арзийди...

Рихсилло ҳавас қилса арзийдиган оила соҳиби. Рафиқаси Фаридахон — олий маълумотли чевар-модельер. Улар уч ўғил, икки қизни меҳнатсевар, илм-ҳунарга иштиёқли қилиб тарбиялашди. Ўғиллари Дилшод, Фарҳод, Бехзод инженер-механиклик касбини эгаллашган. Қизлари: Шоира — Жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, Нодира — Фанлар академияси Химия институтида илмий ходим.

Ҳа, Рихсилло Неъматуллаев ўз меҳнати билан педагоглик шаънини ардоқлаб келаётганидан унинг шогирдлари ҳам мамнун. Биргина Тошкент шаҳрида унинг шогирдларидан Шукур Дадашев, Тўлқин Султоновлар халқ таълими бўлимларида раҳбарлик лавзоимларини адо этишмоқда, ўзи ишлаб турган мактабда эса 13 нафар шогирди ёнма-ён меҳнат қилаётир.

Мураббийлар ҳақида сўз юритилганда қўшиқ сатрлари ёдга тушади:

Меҳр нури ёғар доим,
Юзингиздан, устозлар.
Юрсам дейман шу табаррук
Изингиздан, устозлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика халқ маорифи аълочиси Рихсилло Неъматуллаев қутлуғ 60 ёшга тўлган кунда ҳамкасблари, шогирдлари қаторида биз ҳам ёш авлод тарбиясидек қутлуғ ишда бардамлик, сиҳат-саломатлик, ишларига ривож тилаб қоламиз.

Ғафур МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Битирувчи курс талабалари ва дипломли шахслар учун АҚШ университетлари аспирантурасида ўқиш имкониятлари

The 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program

The US Government is pleased to announce the 1996 Edmund S. Muskie Fellowship Program which provides grants to citizens of the NIS countries. The Program is funded and supervised by the United States Information Agency, and is administered by ACCELS, IIE, IREX, and the Soros Foundation. The Fellowship offers the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fields:

business administration, economics, law, public administration

The Fellowship will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries to enroll in graduate programs at US institutions. A number of the one-year placements for the Muskie Fellowship will be non-degree professional development awards designed for individuals with a minimum of three years work experience in the field they will study in the US. Depending on the type of program and field of specialization, the other Muskie Fellowships may lead to a graduate degree or certificate from a US institution.

Under the terms of the grant and the laws governing the student visa required for participation in the programs, Fellows must return to their home country immediately upon completion of the program for a period of at least two years.

Competition for the Fellowship is merit-based and open to anyone who meets the specific criteria. The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the application. Partial criteria are listed here.

- *citizen of NIS countries;*
- *lacking a source of funding for study in the US or access to another US-based training program;*
- *under the age of 40 at the time of application deadline (October 27, 1995);*
- *hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1996;*
- *proficient in spoken and written English at the time of application; all semifinalists will be required to take TOEFL;*
- *able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization.*

Applications can be obtained from one of the advising center or representational offices listed below by **October 27, 1995.** Late or incomplete applications will not be considered.

ACCELS Office:
16-A Lakhuty St.,
7th Floor, Room #716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel.: (3712) 56-55-47

IREX Office:
88 Hurshid St., Apt. 42
Tashkent, Uzbekistan
Tel.: (3712) 35-21-71

ACCELS Educational Advising Center
80 Uzbekistan St.,
1st Floor, Room #112
Tel.: (3712) 45-80-56

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий тадқиқот институти 1995 йилга қўйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— педагогика назарияси ва тарихи;
— меҳнат ва касб-ҳунар таълими усулияти.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа ва чет тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида икки йил иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, олий ўқув юртини битирган мутахассислар фақат олий ўқув юрти давлат имтиҳон комиссиясининг тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— таржимаи ҳол;
— илмий мақолалар рўйхати ёки реферат;
— олий ўқув юртини битиргандан сўнг бевосита аспирантурага тавсия этилган шахслар учун Давлат имтиҳон комиссиясининг қайдномасидан кўчирма;
— диплом нусхаси ва синов қайдномасидан олинган кўчирма;
— меҳнат дафтарчаси;
— икки дона сурат (5х6 ҳажмда);
— номзодлик имтиҳонлари топширган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий тадқиқот институти ҳунар таълимининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, давлат стандартлари ва методикаси бўйича қуйидаги вакант лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Лаборатория мудири (фан доктори ёки номзоди — 1). 2. Бош илмий ходим (фан доктори — 2). 3. Етакчи илмий ходим (фан доктори — 5). 4. Илмий ходим (олий маълумотли — 2). 5. Кичик илмий ходим (олий маълумотли — 1). 6. Муҳаррир (ўзбек тилида — 1). 7. Кутубхоначи (ўзбек — 1). 8. Катта лаборант — 1.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Ҳунар таълими илмий тадқиқот институти аспирантура бўлими.

Тел: 36-23-27, 36-22-12.

Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жамоаси марказ раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Эркин Аъзамовга отаси

Нормамат АЪЗАМОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Ҳожимурод Ҳошимовга падари бузруквори, халқ маорифи фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Комилжон ҲОШИМОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва мусиқа-педагогика факультети жамоаси халқ қўшиқчилиги кафедрасининг катта ўқитувчиси Р. Н. Муҳиддинова-га онаси

Апипа НОСИРОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси мактабшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Шавкат Ҳошимовга падари бузруквори, кекса халқ маорифи ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Комилжон ота ҲОШИМОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамда жамоаси ўқув бўлимининг собиқ ходими

Рафаэл ХАХАМОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0401. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6